БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 194 (16.277) • 19 август 1975 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Поёнсиз зумрад дала. Колхознинг қайси бир пахтазор даласига боқманг, жадал суръат билан «оқ олтин» етиштираётган меҳнатсевар азаматларни кўрасиз.

Мана, колхознинг Эргашхон Қодирова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасидамиз. Ҳосилга-ҳосил қўшаётган оташ қалб қизларнинг дилрабо ялласи кўкда парвоз қилади. Шамол уни олис-олисларга учириб кетади.

Дарҳақиқат, Москва районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Эргашхон Қодирова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси Марказий Фарғона ерларига тўташ. Улар ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Ўтган йили улар райондаги Охунбобоев номли колхознинг Муқаддамхон Солиева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси билан мусобақалашган эди. Мусобақада Эргашхон Қодирова бошлиқ бригада пешқадам бўлди. 50 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 26 ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди.

Бу йил Эргашхон Қодирова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси КПСС XXV съезди шарафига янги ташаббус бошлади. Ҳар гектар ердан 50 центнер «оқ олтин» етиштириш учун сўз бердилар. Бу ташаббусни район партия комитети маъқуллади.

Бригада аъзолари қишда ҳар гектар ер ҳисобига 10 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрлаган эди. Баҳорда бу ўғитни ерга солдилар. Кераксиз ариқ-зовурларни текислаб экин майдонларига айлантирди ва ерини икки ярим гектарга кўпайтирдилар.

Бригада аъзолари баҳорда чигитни 8 иш кунида экиб бўлдилар. Улар ички резервлардан ҳам унумли фойдаланмоқдалар. Ўтган йили 10 гектар ердан паст ҳосил олган эди. Бригада аъзолари бу ерларда ҳам қўшимча парвариш, озиклантириш ўтказиб, ҳосилдорликни 50 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар.

Ҳозир бригада коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1975 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарори асосида қизғин кураш бошлаб юборди. Бригаданинг оташқалб аъзолари Эркиной Бурхонова ва Махфиратхон Назирова ўтган йили терим машиналарини бошқарган эдилар. Бу йил механизаторлик касбини қунт билан ўрганмоқдалар. Бригада қизлари ҳосилнинг ҳаммасини машинада териш учун ғўза парваришини авж олдирмоқдалар.

А. РАҲИМОВ.

1975 БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети пиллачилик юзасидан республика социалистик мусобақасининг якунларини қараб чиқдилар.

Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё областлари, шунингдек Андижон областидаги Хўжаобод райони, Қорақалпоғистон АССРдаги Тўрткўл райони, Сирдарё областидаги Гулистон райони, Наманган областидаги Янгиқўрғон райони, Қашқадарё областидаги Яккабоғ райони, Сурхондарё областидаги Жарқўрғон райони, Фарғона областидаги Кува райони, Бухоро областидаги Навоий райони, Самарқанд областидаги Пахтачи райони, Жиззах областидаги Октябрь райони, Тошкент областидаги Бекобод райони, Хоразм областидаги Урганч райони пиллачиларнинг 1975 йилги социалистик мусобақа якунлари бўйича ғолиблар деб топилди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари ҳамда дипломлари билан мукофотланди.

* * *

1975 йил иккинчи квартал якунларига мувофиқ Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида «Промстройматериали» ва «Иржарсовхозстрой» трестларининг, «Қарақалпакирсовхозстрой» бошқармасининг коллективлари юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришдилар. Улар СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар.

* * *

«Узсельхозтехника» Қашқадарё область районлараро бирлашмасининг, «Узсельхозтехника» Жиззах ва Сариосиё район бирлашмаларининг ва Каттақўрғон кўчма механизациялашган колоннаси коллективлари Бутуниттифоқ мусобақасида беш йиллик якунловчи йили иккинчи кварталининг якунлари бўйича энг юксак натижаларга эришдилар. Бу коллективлар «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмаси ҳамда қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзлари марказий комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

(ЎзТАГ).

МУНОСИБ МУКОФОТЛАР

Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилиши муносабати билан тантанали мажлисда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Бизнинг донгдор кишилар... Меҳнат илғорлари, ишлаб чиқариш новаторлари, ўз ишининг миришкорлари бўлган кишилардир. Меҳнат қаҳрамонларига иззат ва ҳурмат, уларнинг эришган муваффақиятларига тенглашиш — совет воқелигининг ҳаммамиз учун одат тусига кириб қолган нормасидир. Зарбдорнинг ҳақиқий шон-шуҳрати у эришган жуда катта муваффақиятга бўлган оддий ҳурмат—эҳтиромнинг ўзи эмас, бу — қудратли мадад ҳамдир, бу — социалистик мусобақа таъсирчанлигининг, ошкоралигининг асосий шартларидан бири ҳамдир».

Шу кунларда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғалаба қозонган республиканинг юзлаб энг яхши меҳнатчилари, кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари муносиб мукофотларни олмоқдалар. Уларга бу мукофотлар беш йилликни муддатидан илгари бажарганликлари учун, ярим йиллик ва кварталдаги рекорд кўрсаткичлари учун, яхши ибрат кўрсатганликлари, меҳнатдаги шавкатлари, энг пешкадам бўлганликлари учун берилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ А. ВАЛИЕВ, Т. ОХУНОВА ВА Ж. РУСТАМОВЛАРНИНГ ОЧИҚ ХАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз бригада бошлиғи Аҳмаджон Валиевнинг «Правда Востока» газетасининг 14 август сонида, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова ва Жиянқул Рустамовларнинг «Совет Ўзбекистони» газетасининг 14 август сонида эълон қилинган республиканинг барча пахтакорларига қаратилган очиқ хатларини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетлари зиммасига ушбу хатларни барча колхозларда, совхозларда, бригадаларда муҳокама қилишни уюштириш, ғўза парваришини кучайтириш ва йиғим теримга намунали тайёргарлик кўриш учун конкрет чоралар белгилаш ва амалга ошириш, пахта териш техникасидан юксак даражада унумли фойдаланиш учун механизаторларнинг социалистик мусобақасини кенг авж олдириш, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишни энг қисқа муддатларда ва унинг юқори сифатли бўлишини таъминлаган ҳолда ўтказиш мажбуриятини юклади.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига тарилаётган пахтанинг сифатли бўлиши ва беш йилликнинг якунловчи йилида йиғим-терим кампаниясининг намунали ўтказилиши учун механизаторларнинг социалистик мусобақаси қандай бораётганлигини мунтазам равишда ёритиб бориш топширилди.

Шу кунларда «Андижангидрострой» гидроқурувчилари Қорадарё тўғон қурилишида актив иш олиб бормоқдалар. Тўғон ўнинчи беш йиллик халқ хўжалигининг ривожланишида катта роль ўйнайди. Суратда: (чапдан) қурилиш бунёдкорларидан З. Ҳатамов ва М. Бурхонов ўртоқлар. С. Безносов фотоси.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга дон сотиш юзасидан бу йилги халқ хўжалик планини ва ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Ғалла қабул пунктларига 255 минг тонна буғдой ва арпа топширилди. Давлатга дон сотиш давом этмоқда. Республика колхозлари ва совхозлари қўшимча равишда камида 15 минг тонна дон, шу жумладан 6 минг тонна маккажўхори сотишга қарор қилдилар.

Ҳозирги вақтда республикада ҳосилни ўриб-йиғиб олишни тамомлаш, давлатга барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан бу йилги ва умуман беш йиллик социалистик мажбуриятларни бажариш, кузги экинлар экишга тайёргарлик кўриш, чорвачилик учун мустаҳкам емхашак базасини яратиш йўлида қизғин иш олиб борилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг Совет Иттифоқида дам олаётган аъзолари Душан Попович ва Али Шукрия Ўзбекистон билан таниша бошлади.

Югославиядан келган меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар.

18 августда Душан Попович ва Али Шукрияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Қурбонов қабул қилди.

* * *

Реюньон Компартиясининг республикамизда бир неча кун меҳмон бўлиб турган Бош секретари Поль Вержес Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Меҳмон республикада бўлган вақтида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиумида бўлди, республика Халқ хўжалик ютуқлари виставкасини, шаҳардаги бир қанча маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрди. Поль Вержес Самарқандда ҳам бўлди.

* * *

Чехословакия ёқилғи ва энергетика саноати министри Властимил Эренбергер Ўзбекистон бўйлаб сафарини тамом қилди. У Тошкент, Бухоро, Самарқанддаги саноат корхоналари ходимлари ва олимлар билан учрашди. Шу шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Ангренга бориб кўмир разрезини ва ГРЭСни томоша қилди.

* * *

Болгария Компартияси Хасково округ комитетининг секретари Атанас Тенчев бошчилигидаги Хасково округи партия ходимлари делегацияси Тошкент область партия ташкилотининг қурилиш ишларига раҳбарлик соҳасидаги тажрибаси билан олти кун танишди.

Делегация Олмалиқдаги В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинатида ва химия заводида, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатида, Чирчиқдаги баъзи корхоналарда бўлди. Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхозни бориб кўрди. Хасково округи намояндалари Тошкент область партия комитетида қабул қилинди. (ЎзТАГ).

Т. ҚУЛСОАТОВ БРИГАДАСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Т. Қулсоатов бошлиқ механизациялашган ғаллачилик бригадаси аъзолари гектаридан 50 центнердан арпа хирмони кўтарди, дон топшириш планини ошириб бажарди, етарли миқдорда уруғлик арпа жамғариб олди. Ҳосили йиғиштириб олинган 60 гектар майдонга такрор экин — маккажўхори уруғи экди. Гектаридан 85 центнердан «қаҳрабо дон» етиштириш учун қурашмоқда.

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). «Қизил Ўлдуз» колхозининг Тўра Қулсоатов бошчилик қилаётган ғаллачилик бригадаси аъзолари тўққизинчи беш йиллиннинг якунловчи йилида дон етиштиришни ҳар қачонгидан ҳам кўпайтиришга азму қарор қилган эдилар. Улар 60 гектар майдонга эртапишар, серҳосил арпа уруғи қададилар. Экинни энг яхши агротехника муддатида парвариш қилдилар. Гектарлар тўла, кўчатлар сони бут бўлишини таъминладилар.

Маълумки, бу йил ёғингарчилик кам бўлди. Бу, ғаллакорларда анча қийинчиликлар туғдирди, арпа қийғос бошоқлаётган кезларда сувнинг етишмаслиги ҳосил чўғига жиддий хавф солди. Азамат ғаллакорлар кўп йиллик деҳқончилик тажрибасига амал қилиб, ерда табиий намни сақлаб қолдилар ва ўсимликнинг бехатар ўсиб, юқори ҳосил беришини таъминладилар.

Айни кезда ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Комбайн вақтида ремонт қилинди, хирмон жой тайёрлаб қўйилди, транспорт воситаси ажратилди. Арпа пишиб етилган куни ўрим бошланди ва бу муҳим иш қисқа кунда тугалланди. КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олишга аҳд қилган миришкор ғаллакорлар ҳар гектар майдондан 50 центнердан арпа хирмони кўтариб, биринчи довондан ошдилар ва йиллик планни ошириб адо этдилар.

Тўра Қулсоатов такрор экинлар экиш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни оширишда республикамизга донг таратиб келмоқда. У якунловчи йилда ҳам анъанага амал қилиб, арпаси йиғиштириб олинган олтмиш гектар майдонга теҳкорлик билан маккажўхори уруғи қададик, — дейди Т. Қулсоатов, — уруғни бир текис ундириб олиш, ўғитлаш, эгат олиш ва культивацияни механизмлар воситасида ўзим бажардим. Ҳар гектар майдонда 60 минг тупдан зиёдроқ ниҳол бўлишини таъминладик. Бугун шуни қувонч билан айта оламизки, арпанинг ўрнига экилган ҳар гектар ердан камида 85 центнердан маккажўхори донн оламиз. Шундай қилиб, гектаридан 135 центнердан дон хирмони кўтариш ҳақидаги социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз. Маккажўхорини ҳам ўзим комбайнда ўриб, донини янчаман.

Бригада аъзолари узоғи билан 25 сентябрда такрор экилган экин — маккажўхори ўримини бошлашга пухта тараддуд кўрмоқдалар.

Олов қалбли ғаллакорларга юксак мажбуриятларини шараф билан бажаришларида тилакдошмиз.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

БАНГЛАДЕШДАГИ АҲВОЛ

ДЕҲЛИ, 18 август. (ТАСС). Бангладеш янги ҳукумати кечаю кундуз белгиланган комендантлик соатини 12 соат қисқартирди, деб хабар қилади Бангладеш радиоси. Тўнтариш куни — 15 августда тўхтатиб қўйилган поездлар қатновини бугундан яна бошлашга қарор қилинди. Ички йўлларда самолётлар уча бошлади.

БАЙРУТ, 18 август. (ТАСС). Бу ерда маълум бўлишича, Саудия Арабистони билан Судан Бангладешнинг янги ҳукуматини тан ганликларини эълон қилдилар.

ВАСКУ ГОНСАЛВИШНИНГ ПОРТУГАЛИЯ ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

ЛИССАБОН, 18 август. (ТАСС). Португалия Бош министри Васку Гонсалвиш ҳукуматнинг ошиғич мажлисидан кейин радио орқали халққа мурожаат қилди.

Ҳукумат аъзолари билан директория ўртасида 15 август куни бўлиб ўтган учрашув натижалари шу мажлисни ўтказишни тақозо этди, деди у. Учрашув давомида, деб таъкидлади Васку Гонсалвиш қуролли кучлар ҳаракатининг бирлиги ҳукумат фаолияти самарадорлигининг зарур шарти эканлиги, бу бирлик директориянинг мавжудлигида ўз ифодасини топаётганлиги ва мамлакатдаги энг нуфузли сиёсий кучлар билан мулоқат қилиш вазиятини вужудга келтириш учун қулай бўлган сиёсий жиҳатдан нафасни ростлаш даврини таъминлай олиши равшан қилиб айтилди.

Айни шу шароитгина ҳукумат олдида турган энг муҳим вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳам шу шартлар бажарилишини тақозо этади. Фақат шундагина мамлакатга зарур бўлган ишонч муҳитини қайта тиклаш мумкин.

Бешинчи муваққат ҳукумат, деб таъкидлади сўнгра бош министр, ўз зиммасига масъулият олишдан воз кечмайди ва республика президенти қилган мурожаатга аввалгидек жавоб беришга тайёр бўлиб турибди, ўзига билдирилган ишончни оқлашга шайланиб турибди.

Ҳозирги пайтда халқ билан иттифоқнинг асоси бўлган қуролли кучлар бирлигини обрўсизлантираётган ҳар қандай сиёсий дуддамалиқлар улоқтириб ташланишини Португалия халқининг ўзи талаб қилиши лозим. Халқнинг ўзи партиялар ўртасидаги нифоқ тўхталишини талаб қилиши керак, бу нифоқнинг давом этиши ҳақиқий миллий проблемалар хусусида чалкаш фикр туғдиришигина мумкин, холос. Бу нифоқлар мавжуд проблемаларни қатъият билан ҳал этишга тўсқинлик қилади, Португалиядаги социалистик революцияни тугатишга интилаётган ички ва ташқи кучлар фойдаланаётган ниқоб бўлиб хизмат қилмоқда.

ПОРТУГАЛИЯДАГИ НЕОФАШИСТЛАРНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

ЛИССАБОН, 18 август. (ТАСС). Лиссабондан тахминан юз километр шимолдаги Алкобас шаҳрида қуролланган реакционерлар катта тартибсизлик чиқардилар. АНИ агентлигининг хабар қилишича, Компартия митинг ўтказиши керак бўлган бино ёнида бир группа неофашистлар тўпланиб олиб, унинг қатнашчиларини бўлмағур гаплар билан ҳақоратлай бошладилар, сўнгра уларни тошбўрон қилиб, ўққа тутишга киришдилар. Тўқнашувлар натижасида 15 киши жароҳатланди, шундан икки кишининг аҳволи оғир.

Ҳарбий бўлинмалар Алкобаса етиб келиб, неофашистларни суриб чиқардилар ва митинг қатнашчиларининг бинодан чиқиб кетишига имконият яратиб бердилар. Шундан кейин шаҳарда тартиб ўрнатилди.

Португалия Компартияси баёнот эълон қилиб, фашистларнинг бу янги иғвогарлигига қарши кескин норозилик билдирди.

Португалия демократик ҳаракати партияси ҳам контрреволюционерларнинг сурбетларча қилган хуружини қаттиқ қоралади.

ЎЗБЕКИСТОН МЕЛИОРАТОРЛАРИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

Сурия Араб Республикасида ўзлаштириладиган жами 600 минг гектар ердан совет мутахассисларининг ёрдами билан 21 минг гектарини ўзлаштириш ишлари бошланди. Бу ишни Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бажармоқда.

Қидирувчилар Сурия Араб Республикасининг қўриқ ерларини бориб кўрдилар. Шулар тўплаган ҳужжатлар асосида лойиҳалар тузиб чиқилмоқда. Мирзачўл ва Қарши даштларини ўзлаштирувчилар тўплаган бой тажрибадан Сурия даги қўриқ ерларни ўзлаштириш учун фойдаланилади. Бу эса Сурияга арзон, лекин мустаҳкам сув хўжалиги ва гидроэнергетика иншоотларини қуришга, обод посёлкалар билан бирга 6 та юксак даражада механизациялашган давлат хўжаликлари барпо этишга имкон беради.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг чет элдаги қурилиш бош бошқармасида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтишди:

— Совет Иттифоқи Сурия Араб Республикаси билан тузган шартномага мувофиқ дашт ерларни экинзорларга айлантиришда ёрдам беради. Шу битим ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда. Сурияда биринчи давлат хўжалиги тузилди. Бу йил шу ёш хўжалик ихтиёрига бир ярим минг гектар ҳар жиҳатдан тайёр ер топширилади. Шу давлат хўжалигида дастлабки 400 гектар ерга чигит, дон экилди, боғлар барпо қилинди, 20 минг туп субтропик дарахтлар кўчати ўтказилди. Бу массивни ҳар секундда 36 куб метр сувни қариб 100 метр баландликка чиқариб берадиган насос станцияси суғоради.

Совет мутахассислари Фрот дарёси бўйида тўғон қуришга кўмаклашганликлари, ҳозир катта электр станция барпо этаётганликлари тўғрисида илгари хабар берилган эди. Шу электр станциянинг дастлабки учта агрегати ишга туширилиб, корхоналарга, қурилишларга, уй-жойларга электр токи бера бошлади. Шу электр станция батамом қуриб битказилгач, Сурия ҳозир мамлакатда ҳосил қилинаётганига қараганда уч баравар кўп электр энергия олади. Фрот дарёси ёнида сув омбори қурилиши ҳам тугалланмоқда. Бу ерда 13 миллиард куб метр сув тўпланади.

125 минг гектар майдонда қидириш ишлари тугалланди. Инженерлар қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг иккинчи навбати лойиҳасини тузмоқдалар. Ўзбекистон мутахассислари даштларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш билан бир вақтда бошқа давлат хўжаликлари учун Сурия Араб Республикаси ҳар йили 400 минг тонна пахта етиштирмоқда. Қўриқ ерлар ўзлаштирилганидан кейин пахтанинг ялпи ҳосили икки баравар кўпаяди.

ҚИШГА ЕМ-ХАШАК

Калинин районидаги Охунбобоев номли чорвачилик совхози пичан тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятини бажарди. Пландаги 3,3 минг тонна ўрнига қишга 3,5 минг тонна хашак ғамлаб қўйилди.

Келес массивидаги даштлик ерда жойлашган бу хўжаликнинг яйловларида сув тақчиллиги оқибатида ўт-ўлан қалин бўлмади. Чорвадорлар хашак тайёрлаш суръатларини кучайтириш учун ёввойи ўтлардан ва ярим бутазорлардан фойдаланишга аҳд қилдилар. Бу ўтлар эса Сирдарё сохилидаги Туяқорида ва Кўнтари қумликларида мўл-кўл ўсади. У ердаги янтоқ, кўмирбош сингари ўт-ўланни ўриб олгани совхоз ходимларидан бир группаси жўнаб кетди. Хашак тайёрлашда банд бўлган пешқадамлар учун мукофотлар белгиланди. Йил охирига қадар дағал хашаклардан бир ярим минг тоннаснинг қўшимча равишда йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ИШЧИ ЗАФАРИ

XXIV ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ СЪЕЗДДАН-СЪЕЗДГАЧА XXV

Жонажон Коммунистик партиямизнинг навбатдаги XXV съезди ўз ишини бошлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан барча совет меҳнаткашлари сингари бизнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли заводимиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари КПССнинг тарихий XXIV съезди қарорларини қандай амалга ошираётганликларини таҳлил қилмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг бундан кейинги тараққиётини ва самарадорлигини ошириш йўлларини белгиламоқдалар.

Мен шонли Ленин партиясининг XXIV съездида қатнашиш шарафига муяссар бўлган бахтли кишиларнинг бириман.

Съезд тарихий қарорларининг ҳаётбахш кучини заводимиз мисолида яққол кўрмоқдаман. У мамлакатимизда электртехника саноатининг кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик корхонасига айланди. Тайёрланаётган кабель маҳсулотлари электрстанциялар ва юқори вольтли электр узатгич линиялар қурилишида алоқа воситаларида, қишлоқ хўжалигида, уй-рўзғор ишларида кенг фойдаланилмоқда. Шаҳар ва темир йўл транспортини электрлаштиришда ишлатиладиган мис контакт узатгичлар, парманадиган конларни геофизик тадқиқ этиш ва нефть қазиш саноати учун зарур турли кабеллар тайёрлашда эса бизнинг заводимиз Совет Иттифоқидаги етакчи корхона бўлиб қолди. Биз ўз маҳсулотларимизни социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан ташқари АҚШ, ГФР, Италия, Франция каби ривожланган капиталистик давлатларга сотмоқдамиз. Заводимизда яратилган узлуксиз қуйишнинг ноёб линияси мамлакатимизда ва ундан ташқарида кенг шуҳрат қозондики, ҳозир бу линиялардан ГДРнинг «Мансфельд», Италиянинг «Континиус» фирмалари каби чет эл корхоналари фойдаланяпти.

Кабель маҳсулотларини такомиллаштириб боришимиз ва янгиларини яратишимиз туфайли буюмларнинг юксак сифат даражасида ишлаб чиқарилишини таъминладик. Ҳозирги кунда 27 хил маҳсулотимиз давлат Сифат белгиси билан истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бу, маҳсулот умумий ҳажмининг 25 процентини ташкил қилади.

Коллективимиз КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида фидокорона меҳнат қилмоқда. Натижада завод 1974 йил натижаларига кўра, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Съезддан кейинги ўтган тўрт йил ичида корхонамиз техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича катта зафарларга эришмоқда. Меҳнат унумдорлиги тўққизинчи беш йилликнинг контроль рақамларида кўрсатилган 23,9 ўрнига 30 процент ўсди. Белгиланган планга қўшимча суратда 10,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Кўзда тутилганидан ташқари 907 минг сўм фойда олинди. Буларнинг ҳаммаси асосий мақсадга — ишчиларнинг маданий ва моддий шароитини янада яхшилашга олиб келмоқда. Масалан, корхона бўйича ўртача ойлик маош 21,7, ишчиларники эса 22,5 процент ошди. Моддий рағбатлантириш фонди 67,5, социал-маданий тадбирлар фонди 60,9, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди 65,3 процент кўпайди. Тўрт йил мобайнида 300 га яқин оила янги шинам уйларга кўчиб ўтди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юксак кўрсаткичларни қўлга киритишдаги энг муҳим омиллардан яна бири хўжалик масалаларини ҳал этишга илмий ёндашишдан иборатдир. Масалан, коллектив фаолиятидаги сифат ўзгаришига корхона тараққиётининг илмий-техника ва социал-иқтисодий комплекс планини жорий этиш туфайли эришилди. Бундан ташқари, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга ижодий паспорт таъсис этилганки, у ҳар бир меҳнатчининг корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга қўшаётган ҳиссасини объектив баҳолаб боради. Бу, уларни ўз ишига ижодий ёндашишга, техникадан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришда янги резервларни қидириб топишга руҳлантиряпти.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси биринчи навбатини ишга туширишдан корхонамиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Комплекс пландаги тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш системаси ҳам яхши натижалар беряпти.

Заводимиз коллективи олдида турган катта вазифаларни ҳал этишда социалистик мусобақа алоҳида ўрин тутмоқда. Корхонамизда социалистик мусобақанинг барча турларига 4206 киши жалб қилинган. Шундан 3458 киши коммунистик меҳнат ҳаракатида иштирок этмоқда. 1409 кишига коммунистик меҳнат зарбдори, 255 кишига «Олтин қўлли мастер», 100 га яқин ишчига эса «Ўз касбининг энг яхши устаси», 570 кишига «Завод ветерани» номи берилган. 291 киши «1974 йилги социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан тақдирланган.

КПСС XXIV съездидан кўп ўтмай ишчиларимиз ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олишган эди. Булар орасида ишбай асосида ишлайдиган 1050 ишчининг бўлганлиги бизни, айниқса, қувонтирган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Ҳозир корхонамизда тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажариб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот бераётганлар сафи тобора кенгаймоқда. «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори» нишондорлари Н. Блинова, М. Галяутдинов, В. Востриков сингари 60 дан зиёд новатор ишчиларимизнинг тўқкизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаганликлари ҳақида рапорт берганларига анча бўлди.

Бизда қўлланилаётган социалистик мусобақанинг форма ва методлари бошқаларникидан унча фарқ қилмайди. Фақат қотиб қолган усуллардан қочиб, мусобақалашувчилар меҳнатини объектив баҳолашнинг янги форма ва методларини қидириб топишга интилмоқдамиз. Ишчиларнинг ишлаб чиқаришдаги ва жамоат ҳаётидаги фаолиятини баҳоловчи система ана шу изланишнинг мевасидир. Бу, ўлардаги активликни оширишга таъсир қилмоқда. Шунингдек, бошқа заводларнинг тажрибаларини ўрганиб, ўтган йилдан бошлаб шахсий ижодий планларни қўллай бошладик. «Камкабель», «Амуркабель» каби турдош заводлар ва Ўрта Осиё «Электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари билан бўлаётган мусобақа яхши натижа бермоқда.

Тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилида ҳам ишчиларимиз ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг фидокорона ишлашлари туфайли корхонамиз биринчи квартал якунларига кўра, биринчи ўринни эгаллади ва СССР Электротехника саноати министрлигининг ҳамда тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Шу йилнинг олти ойи ичида пландан ташқари 1 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди, меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 6,4 процент ўсди. Ишлаб чиқариш маданияти ошди. 97,1 процент маҳсулотнинг биринчи тақдимдаёқ қабул қилинишига эришдик.

Ҳа, коллективимиз КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажариш устида қунт билан ишлаб, кўп нарсаларни амалга оширди, кўп нарсаларни ўрганди. Зиммамизда анча мураккаб, масъул вазифалар турибди. «Биз мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланишимиз, хом ашё ва материал сарфини камайтиришимиз, янги янада мукаммал технологияни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилишимиз керак», — деб уқтирди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда. Леонид Ильичнинг бу сўзлари бизнинг коллективимизга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Корхонамиз ишчи-хизматчилари ,инженер-техник ходимлари бу вазифаларни бажаришга, КПССнинг бўлажак XXV съездини муносиб кутиб олишга енг шимариб киришганлар. Шу кунларда заводда съезд шарафига ўтказилаётган тадбирлардан бири — моддий ресурсларни тежаш ва иқтисод қилиш бўйича кўрик давом этмоқда.

Юқорида икки съезд орасида заводимизда рўй берган янгиликлар ва ишчиларимиз зафарлари ҳақида ҳикоя қилдим. Бу ютуқларнинг она-Ватан иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ҳисса бўлиб қўшилганлигини ўйлаганимизда ич-ичимиздан қувонамиз, фахрланамиз, келажакка бўлган ишончимиз янада ошади. Келажагимиз эса янада порлоқ, нурафшон.

Ҳикматулла АЛИМОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташкенткабель» заводининг директори, КПСС XXIV съезди делегати.

«Главташкентстрой»нинг 159-трестига қарашли 13-қурилиш бошқармаси коллективи КПСС XXV съезди шарафига зарбдор вахтада меҳнат қиляпти. Улар шаҳримизнинг Жуковский номли кўчасида кўплаб турар-жой биноларини фойдаланишга топширдилар. Суратда: (чапдан) бошқарманинг илғор қурувчилари, комплекс бригада бошлиғи Ленин ордени Тўлқин Самиғов ва прораб Ғайрат Аъзамов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ

Нуроталик бир группа газетхонлар хатида кўрсатиб ўтилган фактлар текширишда тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам Эргаш Жумабулбул номли совхоз раҳбарлари бош мутахассислар фаолияти устидан назоратни сусайтириб юборганлар. Хўжаликда молия интизоми бузилган, натижада ишлаб чиқариш планлари бажарилмай қолган.

Нурота район партия комитети ўз бюросида ана шуларни қаттиқ қоралади. Совхоз директори А. Мамарасулов ва партия комитетининг секретари Х. Бердиевга сўнгги огоҳлантириш билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Газетхон М. Раззоқовнинг «Боғизагон» совхозида газета-журналларга обуна қилиш нотўғри ташкил этилгани, обуначилар ойлаб матбуот нашрларини ололмаётганликлари тўғрисида ёзган хати текширишда тасдиқланди.

Мазкур масала Самарқанд район партия комитети бюросида кўриб чиқилди ва бу ишда масъулиятсизликка йўл қўйган С. Саъдуллаевга қаттиқ виговор берилди.

БОЕВУТ РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

«Боёвут» разъездида яшовчи бир группа ёшларнинг бу ерда маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг кўнгилдагидек эмаслиги тўғрисида ёзган хати текширишда асосан тасдиқланди.

Ҳозирги кунда мазкур территория марказида клуб ва кутубхона биноларқ қад кўтармоқда. Медицина пункти учун бино ажратилиб ремонт қилинмоқда. Савдо базаси территориясидаги бир километрдан зиёд йўл асфальтланди. Ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Масалан, ҳар кварталда социалистик мусобақа якунига қараб, илғорлар пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланмоқда. Разъезддаги саноат моллари магазини мудири Уроз Жиянов савдо ходими номига доғ туширгани учун ўз вазифасидан четлатилди.

БИНОКОР

Қуёш шахмат тахтаси устидаги доналардек қад кўтариб турган кўркам ва кўп қаватли бинолар узра эндигина илк нурларини сочмоқда. Эсаётган майин шабада дилни қитиқлайди. Ҳар сафаргидек Ҳолтой Охунов бугун ҳам ишга эрта келди. Битай деб турган тўққиз қаватли турар-жой биносига қўлини пешонасига қўйиб қаради. Кўнглида туғилган ғуруруланиш ҳиссидан чеҳрасида табассум қалқиди. Бундан атиги бир неча ҳафта илгари бино пойдеворига бетон қўйилганди. Ҳалол, фидокорона меҳнат қилишди. Тез, соз, сифатли тикланди. Мана энди Қорақамиш массивининг кўп қаватли бинолари ўртасида узукка тушган кўздек ярашиб турибди.

Автобусда келаётганда кекса бир отахон:

— Қурувчиларга қойилман-да, — деб қолди, — ҳеч нарса йўқ яп-яйдоқ жойда осмонўпар биноларни қуриб қўйишяпти-я. Ундаги қулай шароитларни айтмайсизми? Биз илгари битта бостирмани олти ой ёз уриниб аранг чала-чулпа битказардик.

Ўз касби тўғрисидаги илиқ гаплар кимнинг қулоғига ёқмайди дейсиз. Рост-да, бир пайтлар қурувчи бўлиш хаёлига ҳам келмаганди. Ҳарбий хизматдан қайтган Ҳолтой Охуновнинг орзуси ўқитувчи бўлиш эди. Сентябргача кичик бир қурилиш ташкилотига бўёқчи бўлиб ишга кирди. Вақт ўтган сари қурувчиликка ишқи тушиб қолди.

Мана, йигирма йилдирки, у Тошкент уйсозлик комбинатида ишлаб келади. Салкам ўн беш йилдан буён қурувчилар сардори. Ҳурмати ҳам иззат-обрўйи ҳам жойида. Узоқ йиллик самарали меҳнати учун «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан тақдирланди. Ҳолтой Охунов бошлиқ комплекс бригадани кўп миллатли «оила» ҳам дейишади. Бу гапда жон бор. Бригада составида ўнга яқин миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб баракали меҳнат қилмоқдалар. В. Караваев, А. Абдураҳмонов, О. Самолдиев сингари азаматлар кунлик нормаларни доим 2-3 ҳисса бажаришмоқда. Шу кунларда улар Қорақамиш массивидаги тўққиз қаватли турар-жой биноларида сўнгги пардозлаш ишларини бажаришяпти.

Қуёш шахмат тахтаси устидаги доналардек қад кўтариб турган бинолар узра тобора кўтарилиб бормоқда. Ҳолтой ака эртанги кун режалари ҳақида бахслашиб келаётган ҳамкасблари томон йўл олар экан ,юзида севинч нурлари порларди.

А. ҚОРЖОВОВ,
ТошДУ студенти.

КОЛЛЕКТОРЛАР — ҲОСИЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хоразмда йиғим-терим олдидан мелиорация ишлари ойлиги бошланди. Ойликни областнинг сув хўжалиги ташкилотлари ўтказмоқда. Коллекторларни ва очиқ зовурларни тозалашда кўпдан-кўп ер қазийдиган техникадан фойдаланилмоқда. Бир ярим миллион куб метрдан зиёдроқ тупроқ ишлари бажарилиб, сизот сувларнинг оқиши учун йўл очиб берилиши керак. Бу, сизот сувлар сатҳини пасайтириб, тупроқни яхшилайди, шу туфайли ҳосилнинг етилиши тезлашади.

(ЎзТАГ мухбири).

Урганч.

ЧЎЛ ЗАБТКОРЛАРИ

ҚУШГА ҚАНОТ, ИНСОНГА ДЎСТ

Ҳазорбоғ... Кексалар илгари бу ерда «Минг боғ» бўлганлигини эслашади. Сувсизлик, ғармсел туфайли ҳаёт аста-секин чекинган. Ҳазорбоғни кўчма қум босган. Боғлар, экинзорлар қовжираган. Одамлар тақдирга тан бериб, боғ-роғларни, уй-жойларни, қишлоқларни ташлаб кетишган.

Совет кишилари Ҳазорбоғ қўйнига қўл солди. Бундан етти-саккиз йил муқаддам Ҳазорбоғ чўли тракторлар наърасини, бульдозерлар ҳайқириғини эшитди. Ўшандан буён чўлда чироқлар чамани ўчмайди. Шинам уй-жойлар, равон йўллар, мевазор боғлар бунёд этилмоқда. Ҳозир чўл сийнасида ҳаёт қайнайди. Қишлоқ бинокорларининг ғайрати авжида.

Ҳамро аканинг ҳаёти Ҳазорбоғда ўтяпти. У доим изланишда, ҳаракатда. Эгнида пушти ранг камзил, галифэ шим. Бир қарашда ғоят шаҳ, ҳушёр солдатни эслатади. Одимлари илдам. Агар у астойдил бўлса, тоғни талқон қилгудек кўринади. Ҳамиша янгиликка интиладди. Совхознинг фойдасини кўзлайди. Кечаги усул, ҳатто бугунги иш эртага эскириб қолиши мумкинлигини ҳис этади. Эрта-ю кеч чўлда: гоҳ қурувчилар, гоҳо пахтакорлар, чорвадорлар ёки боғбонлар орасида. Оғир дамларда ҳузур-ҳаловатдан кечиб юборади. Унинг бу ҳислати хўжаликда янги уй-жой посёлкалари бунёд этишда, меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини юксалтиришда яқол намоён бўлмоқда.

Бугун ҳам у одатдагидек прораблар хонасига хурсанд кириб келди. Бинокорлар қуршовида турган Сулаймон Асадова яқин келди-да, уни даст кўтариб бағрига босди. Йиғилганларнинг кўзларида чақмоқ, юзларида шодлик ўйнарди.

— Ҳа, устоз, тинчликми нима гап ўзи? — сўради Сулаймон.

— Хушхабар олиб келдим. Хушхабар, — деди директор кувонч билан, — посёлканинг лойиҳаси ҳам, қурилишнинг суръат ва сифати ҳам обком бюросида маъқулланди.

Ў қўлидаги газетани очиб, қурувчиларга кўрсатди. Совхоз бинокорлари шаънига битилган илиқ, самимий сўзларни, обкомнинг қарорини овоз чиқариб ўқиди. Ҳамкасблар бош прораб — Сулаймонни табриклашдилар.

Сулаймоннинг ёшлиги ҳам Ҳазорбоғ даштига туташ қишлоқда ўтган. Иш ва ўқишнинг эгизаклиги бахт калитини тутқазди унга. У Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетини битириб, Ҳазорбоғ чўлида чироқ ёқаётганлар сафига бориб қўшилган эди. Мана, етти йилдирки, у олтмиш кишилик қишлоқ бинокорларининг сардори. Қурилишда андек ғализлик ёки сустлик юз бериб қолса, у кечалаб-кундузлаб югуриб-елади. Камчиликни ўрнида бартараф этади. Илғор тажрибани, фан ютуқларини тез жорий этади.

Ўша куни у иш кунини қандай ўтказганини сезмади. Руҳи тетик. Қалби қувонча тўла эди. «Обком бюроси қайд қилиб ўтган ютуғимизни мустаҳкамлашимиз керак» деган фикр ўтарди кўнглидан.

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ташкил топиши биланоқ, чўлда уй-жой қурилиши авж олдириб юборилди. Ҳамма уйлар янгича: ҳовлиси, ўчоқ-тандиригача бор. «Узгипросельстрой» лойиҳа институти мутахассислари томонидан тавсия қилинган «163-5-ПС» типидаги тўрт хонали шинам уй-жойлар ҳазорбоғликлар дидига жуда мос бўлиб тушарди. Аммо, лойиҳада қўрғон айлантириш кўзда тутилмаган эди. Бу иш уй эгасининг ўзига қолдирилади. У шошмасдан қурби етган маҳалда гувалакдан, пахсадан қўрғон оларди. Бундай девор эса, янги посёлканинг ҳуснини бузарди. Қишлоқ бинокорлари ишни Злобин методига кўчириш жараёнида чўлда қурилган уйларнинг ҳар бирига темир-бетондан қўрғон қилиб кетишни лойиҳага киритишди. Янгиликка қарши чиққан, лойиҳа ҳужжатларини бузишни раво кўрмаслик қоллари ҳам содир бўлди. Бироқ, совхоз директори Ҳамро Саидов, бош прораб Сулаймон Асадовларнинг қатъият билан изчил олиб борган ишлари яхши самаралар бера бошлади.

— Дастлаб ана шундай қўрғонли уйлардан элликтаси совхозимизнинг марказий қисмида тикланди, — дея изоҳ берди бош прораб Сулаймон Асадов, — партия, совет, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат этиборли комиссия қўрғонли уйларни кўздан кечирди. Бундай қўрғон **биринчидан** узоқ «умр» кўради. **Иккинчидан**, ташқи кўриниши посёлка ҳуснига ҳусн қўшади. **Учинчидан**, пахса ёки гувала деворларга нисбатан арзонга тушади.

Ҳазорбоғ чўлига биринчилар қатори отланган ёшлардан бири Бобохон Холовдир. Унинг оиласи дастлаб чўлда палата тикиб ўтирганди. Эндиликда тўрт хонали, ёруғ ва шинам уй-жойда истиқомат қилмоқда. Бахтиёр Ёдгоров чўлда совхоз тузганларнинг бири. У бош агроном. Оиласи билан янги уйда яшаётганидан мамнун.

Совхоз ишчилари салкам 4000 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Пахтачилик — етакчи тармоқ. Богдорчилик, чорвачилик, ғаллачилик, сабзавотчиликдан келаётган даромад ҳам чакки эмас. Совхоз ўтган йил давлатга 11 минг тонна «оқ олтин» топширган эди. Бу йилги марра — 15 минг тонна. Бултур жами 8 миллион сўм даромад қилинган бўлса, шундан 2,1 миллион сўми қурилиш ва ободончилик ишларига сарфланди. Бу рақам йилдан йилга ортиб бормоқда.

Суҳбат қурилиш мавзуида борааётгани учун совхоз директори Ҳамро Саидов қўшимча қилади:

— Ҳазорбоғ чўлига келиб чироқ ёққанимизга ҳали ўн йил бўлгани йўқ. Лекин, янги посёлкамиз кўзга ярқ этиб ташланиб қолди. Посёлкада ҳамма нарса бор: боғча ҳам, мактаб ҳам, шифохона, магазин, ошхона, қассобхона, новвойхона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати, турмуш гигиенаси университети, ҳамма-ҳаммаси комплекс ҳолда қуриляпти. Деҳқонларга бундан ортиқ нима керак. Дарвоқе, чўл қўйнида 1500 гектар мевазор боғ ташкил қилдик. Яқинда консерва заводи ҳам ишга тушади. Деҳқонларимизнинг ҳар учтасидан бирида енгил машина ёки мотоцикл бор...

Ҳазорбоғ... Ильич нурига йўғрилган шаҳарча. Чўлда чироқ ёқаётганлар сафида гишт теруvчи Некбой Умаров, суворчи Шоди Рўзиев, дурадгор Толиб Солихов, юкчи Хайдар Адизовларнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга оляпти. Қўлингиз дард кўрмасин, бунёдкор бинокорлар.

Т. НАЗИРОВ,
Х. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ? — **Мактаб бинолари қурилишини текширамиз**

ҲАМОН СУСТКАШЛИК

✦ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МАКТАБЛАРДА ЖОРИЙ ВА КАПИТАЛ РЕМОНТ ИШЛАРИ КЕЧИКТИРИЛМОКДА.

✦ МАКТАБ ҚУРИЛИШЛАРИДА СИЛЖИШ БЎЛМАЯПТИ.

✦ ДАРСЛИКЛАР ВАҚТИДА НАШРДАН ЧИҚМАЯПТИ.

Мактабларни йилда бир марта жорий ремонтдан чиқариш одат тусига кириб колган. Ремонт ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, мактаб биноси катталари ҳам, кичкинтойларни ҳам беихтиёр ўзига жалб қилади, биноларнинг умри узок бўлади. Тахиатошдаги «Партия XXIV с'езди», Нукусдаги «Қорақалпоғистон АССР 40 йиллиги» ва бошка ўнлаб мактаблар сифатли ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт килиб қўйилди. Тўрткўл, Бируний, Амударё районларида мактабларни капитал, жорий ремонт қилиш ишлари тезкорлик билан сифатли олиб борилмоқда. Ана шу районларнинг партия, совет, хўжалик раҳбарлари бу ишда халқ маорифи органларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бироқ мактаб ремонтлари Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг ҳамма районларида, колхоз ва совхозларида яхши боряпти, деб бўлмайди. Афсуски, ҳали вакт бор, шошиладиган жойи йўқ, бир зўр берсак, ремонт деган нарса ҳафталик иш, кабилида иш тутиб, ремонт ишларини чинакам бошлаб юбормаган районлар ҳамон бор.

Масалан, Нукус шаҳридаги 17 га мактабдан, Тахиатош шаҳридаги 6 та мактабдан биттаси ҳам ремонтдан чиқарилгани йўқ. Хўжайли районида 22 та мактабдан 5 таси, Кегайли районида 14 та мактабдан 4 таси, Шуманай районида 12 та мактабдан 4 таси, Чимбой районида 55 та мактабдан 10 таси ремонт қилинди, холос. Лекин уларнинг кўпчилиги ҳали комиссия томонидан қабул қилиб олингани йўқ.

Тахиатош шаҳридаги Ушинский номли, Чимбой районидаги Титов номли, Бердақ номли, Максим Горький номли, Хўжайли районидаги Бердақ номли, шунингдек, Ленинобод район, «Тошкент» совхозидаги Усмон Юсупов номли, Шуманай район, «Правда» совхозидаги ўрта мактаблар биноларининг ҳозирги аҳволи анча ташвишли. Айрим мактаб бинолари ҳатто шикастланган. Бунга чек қўйиш вақти аллақачон етган!

Автоном республикада шу кунгача капитал ремонт қилинадиган 161 мактабдан 55 таси, жорий ремонтдан чиқариладиган 462 мактабдан 230 таси ремонт қилинди, холос.

Нима учун ремонт кечиктириб юборилмоқда? Бунинг фақат битта сабаби бор. Капитал ва жорий ремонт қиладиган оталик ва қурилиш ташкилотлари бу ишга ниҳоятда эътиборсизлик билан қараётир. Улар арзимас сабабларни рўкач қилиб кўрсатмоқдалар.

Мактаб бинолари қурилиши ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиб ўтиш керак. Кейинги йилларда мактаб бинолари қурилиши бўйича анча ишлар қилинди. Ўтган тўрт йил мобайнида колхозларда 12 минг 946 ўринли 35 та мактаб, совхозларда 18 минг 524 ўринли 57 та мактаб, халқ хўжалик планлари бўйича ҳаммаси бўлиб 50 минг 694 ўринли 137 та янги мактаб биноси қурилиб ишга туширилди. Бу яхши, албатта. Аммо, мактаблар биноларининг қурилиши ҳозирги замон талабларига тўла жавоб бермаяпти.

Ўқувчиларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Мактаб қурилиши эса ўқувчиларнинг кўпайишига нисбатан орқада колмоқда. Масалан, 1972—1973 ўқув йилида икки сменада ўқиган ўқувчилар 39,9 процентни, 1974—1975 ўқув йилида икки сменада ўқиган ўқувчилар 40,7 процентни ташкил этди. 1975—1976 ўқув йилида икки сменада ўқийдиган ўқувчилар сони яна ҳам ошиб кетади. Кўриниб турибдики, мактаб бинолари қурилиши ҳали ҳам жиддий эътибор талаб соҳа бўлиб колмоқда. Бируний шаҳридаги 1104 ўринли Сергей Оржоникидзе номли ўрта мактаб биносининг қурилиши бошланганига бир неча йил бўлишига қарамай, унинг битишидан дарак йўқ. 12-қурилиш трести (бошқарувчиси Қ. Ражабов) коллективи бу йил 110 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариши керак эди. Шу йилнинг ўтган ойларида бор-йўғи салкам 5 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Ана шу трест коллективи Ленинобод райони марказида 536 ўринли мактаб қурилишини бошлади-ю, ташлаб кетди. Фақат бинонинг пойдевори тикланганича қолди.

«Ресколхозстрой» трести (бошлиғи Э. Татибоев) мактаб бинолари, қўшимча синфхоналар қуриш бўйича кўплаб шартномаларга имзо чекаверади. Аммо, тузилган шартномаларнинг ҳаммаси қоғозда колиб кетмоқда. Хўжайли районидаги «Ленин байроғи» колхозида 320 ўринли, Мўйноқ районидаги 50 ўринли мактаб-интернат, Тўрткўл районидаги 320 ўринли Гагарин номли мактабларнинг қурилиши 1971—1972 йилларидан бери давом этиб келмоқда. «Ресколхозстрой» трести раҳбарлари қурилиш материаллари кам, ишчи кучи етишмаяпти, техника йўқ, деган баҳона билан ишни судраб келмоқдалар.

Ҳар бир ўқувчида керакли дарслик бўлса қандай яхши. Ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам хурсанд. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши эса яна ҳам юқори бўлади. Кейинги 3-4 йилдан бери, айниқса, бошланғич синфларда дарсликлар етишмайди. 1-синфда 12-16 ўқувчи, айрим мактабларда ундан ҳам кўпроқ ўқувчилар дарсликсиз, ўқув қуролларисиз мактабларга қатнамоқдалар. Бундай мисоллар ҚҚАССРнинг ҳар бир районида, ҳар бир шаҳрида кўплаб учраб турибди. Бунинг оқибати ўқувчиларнинг ёмон ўзлаштиришига олиб келмоқда. Мустақил ишлашга имкон бермаяпти. Бунинг устига дарсликни нашрдан чиқариш, зарур ўқув қўлланмаларини келтириш ҳар йили пайсалга солинмоқда.

«Қорақалпоғистон» нашриёти ва полиграфия комбинати коллективи 1 июлга қадар 44 номдаги дарсликни нашрдан чиқариши керак эди. Шу кунгача нашрдан чиққан дарсликлар атиги 28 та, 16 та номдаги дарсликка ҳалига қадар кўл урилгани йўқ. «Қорақалпоғистон» нашриёти раҳбарлари полиграфия комбинати раҳбарлари, полиграфия комбинати раҳбарлари эса «Қорақалпоғистон» нашриётини айбдор қилиб, бугунги ишни эртага колдирмоқдалар. Агар нашриёт ноиши шундай борадиган бўлса сентябрь ойида ҳам бу дарсликлар босмадан чиқарилмайди. Ҳар бир ўқувчини дарсликлар билан тўла таъминлаш масаласига Узбекистон ССР Маориф министрлиги қизиқиб, бу соҳада конкрет амалий иш олиб бормаса, ўқувчиларнинг ўзлаштириши яна ҳам қийинлашади. Бу муҳим вазифага алоҳида эътибор бериш керак.

Автоном республика партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари раҳбарлари мактаб биноларини жорий ва капитал ремонтдан чиқариш, қурилиш ишларини тезлаштириш ва дарсликларни барвакт чиқариш учун барча чора-тадбирларни шошилинч равишда амалга оширишлари керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ШАЙМИСИЗ?

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Совхозимиз Сирдарё областидаги йирик ва қўптармоқли хўжаликлардан бири. Боёвут райони бўйича тайёрланадиган пахтанинг деярли учдан бир қисми бизнинг совхозимиз зиммасига тушади. Чорвачилик соҳасида ҳам катта тадбирларни амалга ошириб, маҳсулот етиштиришни йилдан-йилга кўпайтиряпмиз. Хўжалигимизнинг бошқа тармоклари ҳам гуркираб ривожланмоқда. Бунда давлатимизнинг катта моддий-техника ёрдами ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Айни кезда КПСС XXV съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилган коллективимиз фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Тўқкизинчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида совхозимизда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам кескин ривожлантирилди. Хўжаликнинг сут-товар, бўрдоқичилик, чўчқачилик ҳамда паррандачилик фермалари бор. Бу фермаларни биз йил сайин кенгайтиришга, чорва молларининг зотини, маҳсулдорлигини оширишга, мустаҳкам озуқа базасини барпо этишга ҳаракат қиляпмиз. Натижада хазина манбаи бўлмиш чорвачиликдан йил сайин мўмай даромад олиб келмоқдамиз.

Хўжалигимизда план бўйича 2579 бош қорамол бўлиши керак эди. Ҳозир уларнинг сонини 2663 бошга етказганмиз. Бошқача қилиб айтганда, қорамолларнинг бош сонини кўпайтириш планини 103 процент қилиб қўйдик. Йил охиригача бу кўрсаткич янада кўпаяди.

Кейинги йилларда совхозимизнинг сут-товар фермаси ҳар қачонгидан ҳам кенгайди, сигирларнинг маҳсулдорлиги ортди, зоти яхшиланди. Ҳозир фермада 650 бош «Шведская» зотли сигир бор. Соғин сигирларининг зотини доимо яхшилаб борамиз. Масалан, ўтган йили сути камайиб, қариб қолган 150 бош сигир кўп сут берадиган сигирларнинг ғунажинларига алмаштирилди. Шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида эса яна 124 бош каммахсул сигирлар ҳам ана шундай ғунажинларга алмаштирилди. Биз энг кўп сут берадиган йирик шохли қорамолларнинг ғунажинларини алоҳида ажратиб бокамиз ва шулар ҳисобига муттасил равишда фермамиз сигирларини саралаб, янгилаб борамиз.

Зотли ғунажинларни эса районимиздаги бошқа хўжаликларга сотамиз. Масалан, ўтган йили 61 бош энг яхши ғунажинларни турли хўжаликларга сотдик. Бу йил ҳам камида 100 бош ғунажинни бир ёшдан ошириб районимизнинг колхоз ва совхозларига сотамиз. Совхозимизда сут етиштириш тез суръатлар билан кўпаймоқда. Ўтган йили хўжаликда ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 3563 килограммдан сут соғиб олинди. Беш йилликнинг якунловчи йилида бу кўрсаткични 3600 килограммданга етказишга ва жами 2300 тоннадан ортиқ серкаймок сут соғиб олишга карор килганмиз. Йил охиригача сигирларимизни 700 бошга етказамиз, парваришни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирамиз.

Совхозимиз сут-товар фермасининг ютук ва режалари ҳақида гап бораётган экан, шу ўринда ажойиб, ғайратли ва тажрибали сигир соғувчиларимизни тилга олиб ўтмокчиман. Гулшод Гизатуллина кўндан бери совхоз фермасида сигир соғувчи бўлиб ишлайди. Унинг қарамоғида 27 бош сигир бор. Ҳозирги пайтларда у коллективнинг фахрли, малакали сигир соғувчисидир. Ўтган йили Гулшод Гизатуллина ўз боқимидаги ҳар бош сигирдан 4000 килограммдан сут соғиб олган эди. Бу йил эса партиямизнинг бўлажак XXV съезди шарафига ҳар бош сигирдан 4200 килограммдан серкаймок сут соғиб олмокчи. Нина Чурилова, Ала Горюнова, Анастасия Думановалар ҳам бу йил ўз қарамокларидаги ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлигини 4100-4200 килограммданга етказишга карор қилганлар. Ана шу донгдорларимиз ўтган ярим йилликда ҳар бош сигирдан 2250 килограммдан сут соғиб олдилар.

Соғин сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириб бориш — ғоят мураккаб, оғир ва масъулиятли ишдир. У доимо изланиш, машаккат чекиш, фермaнинг ҳар бир ташвишига меҳр-муҳаббат билан ёндашишни, кечакундуз астойдил меҳнат килишни талаб этади. Совхозимиз фермаларининг мутахассислари, барча чорвадорларимиз ана шу машаққатли йўлдан бормоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Кейинги йилларда сут-товар фермаси деярли қайта қурилди. Бу ердаги 6 та молхонанинг ҳаммаси тўла механизациялаштирилган. Сигирларни озиқлантириш, суғориш, оғилхоналарни тозалаш каби ишларнинг ҳаммасини техника бажаради. Бундан ташқари ҳар бир молхона қошида сигирларни яйратадиган махсус майдончалар бор. Бу майдончалар сигирлар учун яйлов ролини ўтайди. Якинда эса фермада янги душ мосламаси қурилди. Эндиликда сигирларни ҳар куни ва кунора чўмилтириб туриш имкониятига эга бўлдик. Ҳаво ниҳоятда исиб кетаётган ёз ойларида сигирларни тез-тез чўмилтириб туришнинг фойдаси кўп. Уларнинг сути кўпаяди ва серкаймок бўлади, турли юқумли касалликларга чалинавермайди.

Сигирнинг сути — тилида, дейди халқимиз. Бу гапда ҳикмат кўп. Сервитамин, ширали озуқаларни кўлайтириш, сигирларни рацион асосида парвариш қилиш — сут етиштиришни кўпайтиришнинг асосий омилидир. Биз ёз ойларида ҳар бош сигирга бир суткада ўрта ҳисобда 65 килограммдан кўк масса, 20 килограммдан барда бераяпмиз. Бошкача қилиб айтганда, шу кеча-кундузда сигирларни 14-15 озуқа бирлиги билан парвариш қилаётирмиз.

Сўнгги йилларда хўжалигимизда сигирлардан бузок олиш соҳасида ҳам яхши натижалар кўлга киритилмоқда. План бўйича бу йил жами 646 бош бузок олишимиз керак. Ҳозиргача олинган бузоклар сони 420 тадан ошиб кетди. Миришкор чорвадорларимиз ўз имкониятларини ҳисобга олишиб, беш йилликнинг якунловчи йилида пландан ташкари 25 бош бузок олишга карор килдилар.

Гўшт етиштириш масаласи — чорвачиликнинг асосий проблемаларидан бири эканлиги маълум. Шунинг учун ҳам бўрдоқичиликни ривожлантириш масаласига бўлган эътибор кун сайин ортаётир. Бўрдоқичилик фермасида 200 бош қорамол гўштга боқилаётир. Белгиланган план бўйича ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазнини 500 килограммга етказиб гўштга топширишимиз керак. Биз 630 килограммданга етказиб давлатга топшираётирмиз. Натижада яхши боқилган иккита бўрдоқи — учта қорамолнинг ўрнини қоплаётир. Шу ҳисобга совхозимизда бўрдоқига боқилаётган молларнинг бош сонини тез суръатлар билан кўпайтириш имкони туғилмоқда. Айни пайтда давлатга гўшт топшириш плани ва зиммадаги мажбурият муддатидан олдин бажарилаётир, чорва маҳсулотларининг таннархи арзонлаштирилаётир. Хўш, бундай ютуқларга қандай қилиб эришилмоқда?

Бўрдоқига боқиш учун ажратилган қорамол бир ёшга етгунча унинг тирик вазнини 300 килограммга етказиб олиш учун қурашмок лозим. Совхозимиз бўрдокибокарлари эса биринчи йилдаёк қорамолнинг тирик вазнини 350 килограммданга етказишга эришмоқдалар. Шундан сўнг икки ёшга етгунга қадар кунига 1,5-2 килограммдан семиртирилмокда. Натижада қорамолларимиз икки ёшга тўлганда тирик вазни 630 килограмм, ҳатто ундан ҳам юкори бўляпти. Бунинг учун қорамолларга 12-13 озуқа бирлиги сарфланаётир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунларда қорамолларни суданка ўти, беда, силос, барда сингари 4-5 хил озуқа билан парвариш қиляпмиз. Киш ойларида эса 6-7 хил озуқа билан бокамиз.

Шу кунга қадар давлатга 90 бош ана шундай семиз молларни гўштга топширдик. Йил охиригача яна 40 бошдан ортик бўрдокини гўштга топширамиз. Бундан буён гўштга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазнини 650 килограммданга етказишга ҳаракат қиламиз. Қорамолларнинг тирик вазнини ошириш билан бирга таннархини арзонлаштиришга эришамиз. Якунловчи йилда она-Ватанга пландаги 385 тонна ўрнига 405 тонна гўшт етказиб берамиз.

Шунингдек, совхозимизнинг чўчқачилик ва паррандачилик соҳаларида эришаётган ютуқлари ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин.

Ҳозирги кунларда республикамизнинг барча жойларида бўлаётгани каби бизнинг область, район, шу жумладан совхозимизда ҳам чорва қишловига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Қишлов — синов, дейди халқимиз. Қишнинг оғир синовларидан ўта олмаган чорвадор — чорвадор эмас. Агар бу ғоят масъулиятли даврга пухта тайёргарлик кўрилмас экан, йил бўйи қилинган меҳнатнинг зое кетиши ҳеч гап эмас.

Совхозимизда 6 та молхона, 12 та бузоқхона, 10 та чўчқахона, 1 та отхона бор. Уларнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилиб, қишловга тахт қилинди. Бу йил чўчқахоналар капитал ремонтдан чиқарилди, озиқлантириш, оғилхонани тозалаш, суғориш каби ишлар механизациялаштирилди. Шунингдек, 10 минг товуққа мўлжалланган 2 та товуқхона ҳам қўлдан чиқарилди.

Ем-хашак тайёрлаш ишларини бу йил намунали ташкил этдик. Совхозда сенаж, пичан ва силос бостирадиган учта бригада кеча-кундуз унумли меҳнат қилмоқда. Бу ишга 50 киши сафарбар этилган. Шу кунга қадар уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли 4200 тонна сенаж бостирилди, 2200 тонна қурук беда, 3000 тонна силос жамғарилди, 160 тонна витамин уни тайёрланди. Йил охиригача яна камида 800 тонна курук беда, 7000 тонна силос жамғарамиз. 2,5 тонна сенаж бостирамиз. Витамин унини пландаги 400 тонна ўрнига 500 тоннага етказамиз Хўжалигимиздаги барча чорва молларни кишловдан семиз ва соғлом олиб чикиш учун лозим бўлган барча чораларни ишга соламиз ва жонажон партиямизнинг навбатдаги XXV съездини пахтачилик, чорвачилик ва кишлок хўжалигининг бошқа соҳаларида улкан зафарларни кўлга киритган ҳолда кутиб олиш учун бор кучимизни сарфлаймиз.

Содиқжон ОТАХОНОВ,
Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхозининг директори, Ленин ордени кавалери.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Ҳафиза Қодирова мактабни тугатгандан сўнг фермага бориб ишлашга аҳд қилган эди. У ўз ваъдасининг устидан чиқди. Ҳозир Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхози сут-товар фермасида ишламоқда. Уз касбига меҳр қўйган Ҳ. Қодирова устозлари маслаҳатига амал қилиб бузоқларни меҳр билан боқмоқда.

Г. Бойко фотоси, (УзТАГ).

60 центнерчилар даласида

ОЛТИН ҚЎЛЛАР

Репортаж

Бригада дала шийпони. Чаманзорга ғарқ бўлган серфайз бу жойга биринчи марта келган киши ўзини енгил ҳис қилади. Тангадек офтоб тушмайди. Ғир-ғир эсиб турган шабада кишига ором беради. Баланд сўриларда қоп-қора узум пишиб ётибди.

Шийпон ёнидаги чиройли қилиб безатилган катта залда телевизор, радио, стол устида янги газета-журналлар қўйилган Ана шу ерда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобилжон Мирзаев бошчилик қилаётган бригада аъзолари маданий дам олиб ҳордиқ чиқарадилар. Тушки овқатланиш вақтида колхоз партия ташкилоти томонидан тайинланган агитаторлар бригада аъзоларига халқаро аҳвол ва ички ҳаётимизга оид темаларда гапириб берадилар. Уларнинг саволларига жавоб берадилар.

Бу ҳол бригада аъзоларининг сиёсий онгини оширишга, меҳнатда янги ғалабаларни қўлга киритиш учун зўр ғайрат билан ишлашга руҳлантирмоқда. Пахтакорлик касбига меҳр қўйган, уни эъзозлаётган Қобилжон Мирзаев мўл ҳосил етиштиришда бой тажриба орттирганлардан биридир.

Бригада аъзолари ўтган йил 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 52 центнердан хирмон кўтариб, ҳосилдорликда рекорд қўйган эдилар. Улар тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ўз имконият ва резервларини ҳисобга олиб, 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Ваъдасига вафодор бригада аъзолари йил бошидан меҳр ва эътиқод билан бир ёқадан бош чиқариб ишга киришдилар. Чигит экишга ерлар сифатли қилиб тайёрланди. Етарли миқдорда маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. Чигит ўз вақтида экилди. Ердан бир текис ундириб олинди. Май ойнинг бошларидаёқ биринчи ишлов бериш бошлаб юборилди. Тер тўкиб йил бўйи қилиниб келаётган тинимсиз меҳнат туфайли ойлар, кунлар ўтиши билан ҳосилга ҳосил қўшилиб ғўзалар ривожланиб бормоқда.

Бригада бошлиғи Қобилжон Мирзаев билан пахтазорда юрибмиз. Денгиздек тўлқинланиб турган ғўзалар гуж-гуж кўсак билан гулга тўла. Буни кўриб дилимиз шод бўлди. Бундай мўл пахта ҳосилини етиштирган бўлтин қўлларга балли.

— Мана бу 5 гектарлик картамиз ўсишдан анча орқада қолганди, — деб сўз бошлади бригадир. — Бу ерлардаги ғўзаларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун бригада аъзолари маслаҳатлашиб, тезда бажарилиши лозим бўлган тадбирларни белгиладик. Қўшимча икки марта «шарбат» билан қондириб суғордик. Икки марта культивация ўтказилди, тез орада бу ердаги ғўзаларни ҳам юқори ҳосил берадиган даражага етказдик. Мана ҳозирнинг ўзидаёқ 10-12 тадан бўлиқ кўсак бор.

Хосилга-ҳосил қўшадиган долзарб дамларда сувчилар пахтазорга сув тарамоқда, механизаторлар етилган ғўзаларга сифатли ишлов бермоқдалар. Далада иш кизгин. Шу пайт йўл ёқасидаги тутзорнинг ёнига енгил машина келиб тўхтади. Машинадан тушган одам ғўза оралаб биз томон кела бошлади. Саломлашиб кўришдик.

— Қаҳрамоннинг ғўзалари қалай, ёқдими сизларга? — сўради биздан.

— Чакки эмас, мўлжалдаги ҳосил бор.

— Ҳа, бу бригада колхозимизнинг ифтиҳори. Бригада билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. У биз билан юриб пайкалларни кўздан кечирди. Ҳар туп ғўзанинг ҳозирги ва бўлажак ҳосилини синчиклаб кўздан ўтказди.

— Қани ҳамма бригадаларимиз Қобилжон Мирзаевдек ишни ташкил этганида, колхозимиз республикамиз бўйича пахтадан мўл ҳосил етиштиришда рекорд қўйган бўларди. Бунга бугунми, эртага ми, албатта эришишга интиламиз. Бу киши СССР Олий Советининг депутати, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг раиси Х. Турсунов эди.

Тиниб-тинчимас, уста пахтакор Қобилжон Мирзаев бошлиқ бригада аъзолари шу кеча-кундузда ҳосила-ҳосил қўшишда, август ойининг ҳар куни ва соатидан унумли фойдаланиб қилаётган меҳнати мақтовга сазовордир.

Пахтадан муттасил мўл ҳосил етиштириб келаётган Қобилжон Мирзаев бошлиқ бригада аъзоларининг иш тажрибалари билан қизиқдик.

— Сиз қандай қилиб пахтадан рекорд ҳосил етиштираётирсиз? — сўрадик Мирзаевдан.

— Пахта кўп меҳнат талаб қиладиган экин. Чигит экадиган ерни доимо яхши парвариш қилиб бориб, етарли озиқлантирсангиз, сифатли қилиб ҳайдаб, вақтида эксангиз, ғўзаларга оч қолганда овқатини, чанқаганда ўз вақтида сувини бериб борсангиз, ер истаган ҳосилингизни бераверади. Биз ана шунга амал қилиб ишлашимиз туфайли ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириб бораётирмиз.

Бригада аъзолари ғўза ораларига ишлов беришни давом эттириш билан ҳосилни йиғиб-терib олишга ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»ларда терib олишни планлаштирганлар. Терим машиналари тахт қилиб қўйилган.

Андижон областидагина эмас, балки республикада донг таратган бу хўжалик аъзолари 2200 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлашган. Шунинг 408 тоннасини машъал бригада пахтакорлари етказиб беради. Бу — уларнинг партия XXV съездига муносиб армуғони бўлади.

Ж. МАҲМУДОВ,
О. АЮПОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбирлари.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БАНГЛАДЕШДАГИ АҲВОЛ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Бангладеш радиоси давлат тўнтариши ўтказилган кунда тузилган янги ҳукуматнинг биринчи мажлиси ўтказилганлигини хабар килди. Бу мажлисга президент К. М. Аҳмад раислик килди.

К. М. Аҳмад бундан илгари миллий радио орқали сўзлаган нутқида Бангладеш «Ислом давлатлари билан, миллатлар ҳамдўстлигида аъзо бўлган мамлакатлар билан ва буюк давлатлар билан дўстона муносабатда бўлади», деди. Бангладеш, деб сўзини давом эттирди у, Исроил томонидан босиб олинган ерларни қайтариб олиш учун курашаётган кардош араб давлатларини қўллаб-қувватлайди.

Бангладеш радиосининг бошка эшиттиришларида ҳукумат Даккада комендантлик соатини бекор қилиш тўғрисида фармойиш берганлиги ҳақида гапирилади.

15 август эрталаб тўнтариш бошланганидан кейин Дакка билан телеграф ва телефон алокаси узилиб колган эди Бу алока шу пайтгача тиклангани йўқ.

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Америка информация агентликларининг мухбирлари хабар беради: Бангладеш радиоси собиқ президент Мужибур Раҳмон тўнтариш вақтида ўлдирилганлигини расмий суратда эълон килди. Ғарбдаги агентликлар собиқ бош министр Мансур Али, шунингдек Мужибур Раҳмоннинг бошқа бир канча тарафдорлари тўнтариш вақтида ҳалок бўлганлигини ҳам хабар киладилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ ЛОНДОН. Англияда шу йил июль ойида чакана нархлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 26,3 процент ошди. Иш билан таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи министрлик шу ҳақда хабар берди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи, шунингдек кенг истеъмол моллари жуда қимматлашиб кетди. Министрликнинг маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг бошидан буён озиқ-овкат маҳсулотлари нархи қарийб 40 процент, кийим-кечак нархи 25 процент, электр энергиядан фойдаланиш ҳаки 55 процент ортди.

▲ РАВАЛПИНДИ. Бу ерда совет китобларини сотувчи виставка катта муваффақият қозонмоқда. Виставкада рус ва совет ёзувчиларининг инглиз тилида ҳамда урду тилида нашр этилган китоблари, илмий адабиёт ва техника адабиёти, болалар учун чиқарилган китоблар кўп.

▲ КАРАКАС. Венесуэланинг Яракуй штатидаги (Брусуаль округи) деҳқонлар «Матильде» шакарқамиш концернига қарашли тўрт ер-мулкни ишғол қилдилар.

Мамлакатдаги деҳқонлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири Октавиус Сапата журналистлар билан суҳбатда неча юз минг гектар ерларнинг бўшаб ётганлиги ва бошқа қийинчиликлар ҳақида гапирди. (ТАСС).

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўтган хафта ичида дўстона визит билан Польша Халқ Республикасида бўлди. Бу визитнинг Совет—Польша ахборотида ўз ифодасини топган якунлари халқаро тараққиёт проблемалари ва СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги кардошларча ҳамкорликни янада кучайтириш ва кенгайтириш масалаларида ҳар икки мамлакат коммунистик партиялари ва ҳукуматларининг фикрлари бир хил эканлигини исбот килади. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг сиёсий бюроси ва Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг президиуми таъкидлаб ўтганидек, «визит вақтида ҳар икки мамлакатнинг кардошларча бузилмас дўстлиги ва хамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги муҳим қадам қўйилганлигидан далолат берувчи қарорлар қабул килинди».

СССР билан Польша Халқ Республикасининг бир-бирларига етказиб бераётган маҳсулотлари доим ортиб бораётганлигигина эмас, балки ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашнинг кенгайтирилаётганлиги, муҳим маҳсулотнинг кўп турлари биргаликда ишлаб чикарилаётганлиги, капитал маблағларнинг биргаликда ажратиб берилаётганлиги, тараққиёт перспектив планларининг координация килинаётганлиги, хуллас социалистик иқтисодий интеграция жараёнининг асосий мазмунини ташкил этган ҳамма нарсалар ҳам бу мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга хос хусусиятлардир.

Планлар координациялаштирилганлиги натижасида келгуси беш йилликда СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги товар оборoти бир ярим баравар кўпаяди. Шу билан бирга ўзаро машина ва ускуналар етказиб бериш икки баравар ортади. Товар оборотининг умумий ҳажми 23 миллиард сўмдан ортиб кетади. Товарларни айирбошлаш структураси эътиборни ўзига жалб этади. Саноат корхоналари комплектлари ва технология линияларини ўзаро етказиб бериш 2,5 баравар кўпаяди. Шу тарика машинасозлик соҳасида кооперациялаш ва ихтисослашнинг кенгайтирилиши СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларда жуда катта аҳамият касб этади. Бу эса ҳар икки мамлакат халқ хўжалигининг ғоят унумли ишлайдиган замонавий машина ва ускуналарга бўлган эҳтиёжларини кондириш учун шубҳасиз, янги имкониятлар очиб беради. фан-техникани янада тараққий эттириш учун имконият туғдиради. Хозирги вақтда ишлаб чикаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш юзасидан Совет Иттифоқи билан Польша ўртасида тузилган 19 битим амалга оширилмоқда. Келгуси беш йилликда бундай битимлар сони уч баравар ортади. Ўзаро етказиб бериладиган истеъмол молларининг ҳажми бир ярим баравар ошади ва ниҳоят, ёқилғи ҳамда ҳом ашё ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин олади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар СССР территориясидаги объектларни биргаликда қурмоқдалар. Польша ана шу объектлар қурилишида актив қатнашмоқда. Бу объектларнинг ишга туширилиши социалистик мамлакатларнинг халқ хўжалигини нефть, табиий газ, асбест, целлюлоза ва хом ашёнинг бошқа турлари билан таъминлашни яхшилаш имконини беради. Бизнинг мамлакатимиз Польшадан кўмир, кокс. рух, олтингугурт ва бошқа кўпгина хом ашё материалларини олади.

СССР билан кардош Польша ўртасида планларни келишиб олиш ва координациялаш соҳасидаги ишларнинг муҳим боскичи тугалланди. Бу — социалистик мамлакатлар коммунистик партиялари ва ҳукуматлари социалистик ҳамдўстликнинг ягона хўжалик организмини вужудга келтириш соҳасида бажараётган жуда катта ишларнинг бир қисми, холос. Ягона хўжалик организмини вужудга келтириш — социалистик иқтисодий интеграциянинг пировард мақсадидир.

«ҚОРА ПОЛКОВНИКЛАР» АЙБДОРЛАР КУРСИСИДА

Афинадаги Корридаллос турмасида 1967 йил 21 апрелда Грецияда ҳарбий тўнтариш ясаган хунта бошлиқлари устидан суд давом этмоқда. Собиқ диктатор Папандопулос ва бошқа «қора полковниклар» давлатга ҳиёнат қилишда айбланади. Айбдорлар ўз халқига нисбатан жуда кўп оғир жиноят қилдилар. Гувоҳлар суд процессида диктатура даврининг мудҳиш манзараларини бирин-кетин тасвирлаб бермоқдалар. Ўша даврда кадимий Эллада тамомила камоқ лагерига айлантирилган эди. «Қора полковниклар» ҳукмронлиги Грециянинг экономикасига ҳам катта зарар етказди, Грециянинг ички ва ташқи сиёсатини боши берк кўчага киритиб қўйди.

1967 йилдаги ҳарбий тўнтаришдан кейинги биринчи кунлардаёқ кўп мамлакатларнинг матбуоти бу исёнда НАТО ҳамда Пентагон ва Марказий разведка бошқармасининг қўли бор, деб таъкидлаган эди. Суд процесси Грецияда демократияга карши қаратилган фитна империализмнинг ана шу кучлари томониидан гайёрланганлиги ва амалга оширилганлигини тасдиқлайди. Қонуний ҳукуматни ағдариб ташлаш ва ҳарбийлар диктатурасини ўрнатишдан кузатилган мақсад — Грециянинг сиёсий ҳаётини назорат остига олишдан, мамлакатда демократик кучларнинг мустаҳкамланишига тўсқинлик қилишдан Грецияни Кипр мустақиллигига карши қаратилган найрангларга жалб этишдан, Кипрни бўлиб олиш ва Шимолий Атлантика блокининг муҳим базасига айлантиришдан иборат эди. Судда «Умумгреция социалистик ҳаракати» партиясининг раҳбари А. Папандреу ҳам бунга тасдиқлади. А. Папандреу Греция ҳокиятларни НАТО ва Марказий разведка бошқармаси қўлида оддий бир қурол бўлганлигини айтди.

Греция жамоатчилиги суд процессининг боришини эътибор билан кузатиб турибди. Бу суд процесси К. Караманлис бошлиқ ҳукуматнинг Грециядa демократияни қайта тиклаш соҳасида амалга ошираётган ижобий тадбирларидан биридир. Греция жамоатчилиги ҳукуматнинг миллий манфаатларга мос бўлиб тушаётган ташқи сиёсий тадбирларини — НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқиш ҳақидаги карорини, чет эл ҳарбий базаларининг истиқболи тўғрисидаги масалани кайтадан кўриб чиқиш ниятида эканлигини, яхши қўшничилик сиёсатини ва барча мамлакатлар билан, шу жумладан социалистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш сиёсатини эълон қилганлигини табрикламоқда.

Шу билан бирга Грециянинг демократик доиралари процессининг боришини кузатиб турганлиги ҳолда ташки кучларнинг тўнтаришдаги жиноий иштироки судда етарли даражада тўла очиб берилмаётганлигидан ташвишланаётганликларини изҳор қилмоқдалар. Улар демократик ўзгартишларни кучайтириш ва ривожлантириш мақсадида хунта бошликлари каттик жазолансин ва мамлакат бошидан кечирган фожиада ташки кучларнинг ўйнаган роли фош қилинсин, деб талаб этмоқдалар.

Грециядаги демократик жамоатчилик доиралари Афинадаги суд процесси НАТО стратегларини Грециянги эски йўлга қайтариш мақсадида бу мамлакатга тазйик ўтказиш йўлидаги ўринишлардан огоҳлантириши керак, деб ҳисоблайдилар. Маълумки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг ҳужжатида халкларнинг ўз тақдирини ўзи бошкариш ва ўзининг ички ҳамда ташқи сиёсий йўлини белгилаш ҳуқуки ҳурмат қилиниши зарур эканлиги тўғрисида гапирилади.

ВАШИНГТОНГА ВИЗИТ

Япония бош министри Т. Мики АҚШга сафар қилиб, Вашингтонда президент Ж. Форд билан музокаралар олиб борди. Бу — Микининг ўтган йил ноябрида Япония ҳукумати бошлиғи бўлганидан бери чет элга биринчи сафари эди. Учрашув тамом бўлганидан кейин эълон қилинган ҳужжатлардан маълум бўлишича, ҳозирги халқаро муносабатларга доир проблемалар, Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги аҳвол, икки томонлама Америка — Япония муносабатлари, шунингдек жаҳон экономикаси масалалари учрашувнинг кун тартибида бўлди.

Ҳозирги халқаро муносабатларда устун омил бўлиб қолган юмшашув жараёни халқаро проблемаларни муҳокамасига таъсир қилмай қола олмади. Иккала томон дунёдаги проблемаларни «конструктив мулоқат» асосида ҳал этишга интилишларини, мамлакатлар ўртасидаги ихтилофларни тинч воситалар билан бартараф этиш лозимлигини айтдилар, улар «ҳамма миллатларнинг суверенитетини ҳурматлаш» принципларига содиқ эканликларини таъкидладилар.

Икки томонлама муносабатларга ва Узоқ Шарқдаги аҳволга келганда томонларнинг умумий декларациялари билан конкрет мажбуриятлари ўртасида очиқдан-очиқ тафовут борлигини музокараларнинг анализи кўрсатиб турибди. Бу гап, жумладан, «Ўзаро ҳамкорлик ва хавфсизлик тўғрисидаги шартнома»га таллуқлидир. Бир вақтлар Япония шу шартномага биноан ўз территориясининг бир қисмини Америка ҳарбий базаларига ажратиб берган ва шу сабабли Американинг Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги ҳарбий-стратегик планларига боғлиқ бўлиб қолган эди. Ж. Форд билан Т. Микининг музокаралари тўғрисидаги қўшма баёнотидан шу нарса кўринib турибдики, Қўшма Штатлар ўзининг Узоқ Шарқдаги режаларидан воз кечмоқчи эмас. Америка томони: «Хавфсизлик шартномаси» Осиёдаги халқаро сиёсий структурасининг ажралмас элементи эканлигини тўғридан-тўғри айтди ва ўзининг шу ҳужжатдан келиб чиқадиган мажбуриятларини яна бир карра таъкидлади. Япония томони ҳам ўзининг шартнома юзасидан олган мажбуриятларини бажара беришини билдирди.

Хуллас, Япония жамоатчилигининг Япония суверенитетини камситувчи Америка — Япония шартномасини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги талаблари Т. Мики билан Ж. Форднинг музокараларида инобатга олинмади.

Бундан ташқари музокараларнинг Корея ярим оролига таллуқли натижалари мамлакат жамоатчилигини хавотирликка солиб қўйди. АҚШ ўзининг «Жанубий Корея хавфсизлигини» таъминлашга яъни мамлакат аҳолиси қўллаб-қувватламаётган зўсирги Сеул режими ҳокимият тепасида туришига кўмаклашишга интилаётганлигини билдирди. Япония томони Американинг бу позициясига қўшилди.

Музокараларнинг Жанубий Кореяга оид банди — Япония матбуотининг кўпчилик қисмида танқид қилинди. Обзорчилар бу бандни Американинг Корея ярим ороли хусусидаги сиёсатида Японияни боғлаб қўйиш йўлидаги уриниш деб баҳоламоқдалар. Бу нарса Узоқ Шарқнинг мазкур районидаги кескинликни юмшатишга қаратилган тенг ҳуқуқли халқаро музокараларга ҳалақит бериши мумкин, деб ёзади «Асахи» газетаси.

Халқаро иқтисодий ва энергетика проблемаларини муҳокама қилиш вақтида бу проблемаларни ҳал этишга турлича ёндашиш мавжудлиги аниқланди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади: АҚШ билан Япония жаҳондаги олди-сотди бозорларида рақиблар бўлиб қолмоқдалар ва уларнинг муҳолифлиги тобора кучайиб бормоқда.

О. АНИЧКИН,
Л. ЛАТИШЕВ,
Н. КОЧЕШКОВ,
(ТАСС).

ЯЛТАДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН»

ОРОМГОҲДАН ХАТ

Кун фойега осиб қўйилган метеорологик маълумот билан танишишдан бошланади: сув ҳарорати — 25 даража, ҳаво ҳарорати — 26,5 даража, шамол тезлиги секундига 3 метр, денгиз тўлқини 1 балл...

Демак, мириқиб чўмилиб келса бўлади. Дам олувчилар мовий денгиз томон йўл оладилар. Тўлқинларга тўш урасан, шўр сув танангни яйратади, сўнг офтобда тобланасан. Лекин баъзан тажрибасизлик қилиб, кўпроқ қуёш нури остида қолганлигини сезмайдиганлар ҳам бўлади. Улар тананинг бронза тус олаётганидан завқланадилар-у, иккинчи томонини унутиб қўядилар. Санаторийга қайтганда уйқуга бош қўйиб, босинқираб чиқадилар: қуёш асабга таъсир қилган бўлади.

Бундайларни шифокорлар электр ёрдамида ухлатиш кабинетига ёзиб берадилар. Электр билан ухлатиш санаторийда жорий этилган янги метод. У уйқу режими бузилган, асаби ишдан чиқаётган кишиларга яхши ёрдам берялти.

Шифо масканида даволашнинг бошқа хил янги усуллари ҳам йўлга қўйиляпти. Хусусан, бўғинларни оғрийдиган, мушаклари қийнайдиган кишилар Евпатория балчиғидан наф кўряптилар. Даволанувчилар учун бу ерга машҳур курортнинг балчиғи махсус олиб келиниб, алоҳида хонада муолижа қилинадиган бўлди.

Санаторийда дам олиб, даволанувчиларга намунали хизмат кўрсатиш, медицинанинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш юзасидан коллектив ўз зиммасига қатор социалистик мажбуриятлар олган. Бу соҳада Ялтанинг бошқа етакчи шифохоналаридан бири — «Белорус» санаторийси коллективи билан мусобақа қилинади. Иккала коллектив йил бошида имзоланган мусобақа шартларининг қандай бажарилишини кузатиб туришади, ўзаро тажриба алмашишади.

«Ўзбекистон»да даволанувчилар бошқа санаторийдагилар билан учрашиб қолишса «бизнинг сўлим оромгоҳга етадигани йўқ», деб фахрланишади. Бу гапга қўшилмай бўлмайди. Санаторий Қриммнинг энг баҳаво жойида 17 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган. Атроф ям-яшил ўрмон, пастда денгиз чайқалиб туради, юқоридан — Ай-Петри тоғидан майин шамол эсади. Йил ўн икки ой кўм-кўк либосини ечмайдиган секвойя, сарв, арча дарахтлари, анвойи гуллар баҳри-дилни очади. Шунинг учун ҳам бу оромгоҳ кишиларни қишин-ёзин ўзига ром этади. Педагог Людмила Борисовна Болия, врач Анна Молочко, тикувчи Мунисхон Боқибоева, колхозчи Светлана Цой, ўқитувчи Людмила Коробцова — турли касб, турли ёшдаги одамлар. Дам олувчилар фақат Ўзбекистон вакилларигина эмас, балки Иттифоқимизнинг ҳамма чеккаларидан келган кишилар.

«Биз Белоруссиядан келган дам олувчилар Суренок Мария, Пиляк Александр санаторий ходимлари тўғрисида самимий сўзлар айтгимиз келади. Биз яхши хордиқ чиқардик, даволандик. Курорт шифокорлари кўрсатган меҳрибонлик, уларнинг кўнгил овловчи самимий сўзлари биз олган муолижалар ичида энг зўри бўлди». Таклиф ва мулоҳазалар дафтари шундай миннатдорчилик хатлари билан тўла. Айниқса, Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган врач Мария Игнатьевна Моклица, рўйхатга олувчи Лидия Яковлевна Молдован, врачлар Рафоат Каримовна Мамедова, Алексей Гуртовой, ҳамширалар Людмила Дадинская, Зинаида Сираева, Мария Бучковскаялар шаънига жуда кўп илиқ сўзлар ёзилган.

— Шифохонамизда дам олишга келувчиларга ўрин камлик қиляпти, — дейди бош врач Шуҳрат Шоумаров. — Келгусида санаторийни кенгайтириш режаларимиз бор. Аввало 500 ўринли клуб-ошхона биноси қурилишини бошлаб юборморқчимиз. Янги беш йилликда 325 ўринли катта корпус қад кўтаради. Бу 9 қаватли мухташам бино бўлади.

Келгуси йил санаторий пляжи қуриб битказилади. Денгиз бўйидаги «Черноморье», «Россия» санаторийлари ўртасидаги жойда ҳозир қурилиш жадаллашган. Пляжнинг тиргович деворлари қўлдан чиқди. Заминига бетон ётқизилди, энди буёғига иш тез кетади.

...Бу ерга келувчилар Ўзбекистон ҳақида мукаммал таассурот олиб кетишлари учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Радиоузелда ўзбек музикалари янграйди, ўзбек ошпазлигидан ҳамма намуналар тайёрланиб турилади, республикамиз экономикаси, маданияти, фани тараққиётидан ҳикоя қилувчи стендлар ташкил қилинади, витриналарга республикамизда чиқадиган газеталар қўйилади. Қисқаси, Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийси жонажон диёримизнинг кичик бир бўлагидир.

Ш. РУСТАМБЕКОВ,
С. МУСАЖОНОВ.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ОРОМГОҲЛАР

ИССИҚКЎЛ — ЎРТА ОСИЕ ШИФОХОНАСИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг мовий Иссиқкўл соҳилида жойлашган «Роҳат» пансионатининг уч корпусига яна 360 ўрин қўшилди. Қорақалпоғистон монтажчилари, Хоразм ғишт теручилари, Тошкентдан келган инженер ва техниклар бугун олти қаватли бинонинг дастлабки меҳмонлари бўлишди. Пансионат территорияси — қирғизлар диёридаги Ўзбекистоннинг ажойиб бурчагидир.

Ҳозир Иссиққўлда ўнлаб шифохоналар ишлаб турибди. Бу шифохоналарнинг кўпи кенгайтирилмоқда ва қайта ташкил қилинмоқда. Янги пансионатлар, санаторийлар ва дам олиш уйларини қуриш учун участкалар эжратилмоқда. Бу ерда Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг вакиллари дам оладилар.

САНЪАТ

БИРИНЧИ КОНЦЕРТ

Нукус тикувчилик фабрикаси комсомолларининг ташаббуси билан тузилган «Қирқ қиз» ҳаваскорлик коллективи биринчи концерт берди. Коллективнинг репертуарида СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари бор. Ансамбль қадрдон корхона ишчилари ҳузурида ҳар ҳафтада ўз маҳоратини намойиш қилиб туради, деб эълон қилинди.

МАДАНИЯТ

ДЕНГИЗ СОҲИЛИДА

«Тошкент денгизи» соҳилида корхона ишчилари дам оладиган зонада Тошкент тўқимачилик комбинати ёшларининг кучи билан қурилган янги стадион ўз қучоғига дастлабки спортчиларни олди. Стадионда спорт ўйинлари ўйналадиган майдончалар, югуриш йўлкалари бор. Булар қумсоҳил ёнида жойлашган. Комсомол ташкилотининг ташаббусига биноан комбинатнинг ёш мутахассислари спорт комплекси лойиҳасини тузиб берган.

МЕТРО

ЕР ОСТИДАГИ САРОЙЛАРДА МАРМАР

Тошкент метросида дастлабки мармар тахталар ўрнатилди. Октябрь революцияси номли станцияда ер ости вокзалларини пардозлашга киришилди. Унинг кетидан трассанинг ғарби-жанубий томонидан Собир Раҳимов станциясини пардозлашга киришиладди.

— Биз станцияларнинг деворларини Ғозғоннинг пушти мармари, Нурота конидан қазиб олинган оқ мармар ва Наманган областидан келтирилган Чоркесарнинг қизил гранити билан безаймиз, — деди «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси П. В. Семёнов. — Бу иш ғоят нозикдир, шунинг учун безашни кучайтириб юборишдан олдин мармар тошларнинг рангини ва гулларини танлаш усулларини синчиклаб ишлаб чиқиш керак. Лекин ишга киришилди, баҳорга келиб биз тайёр станцияларни топшира бошлаймиз, деб мўлжалламоқдамиз.

Бошқарувчининг айтишича, ҳозир метро биринчи навбати тўққизта станциясининг ҳаммасида иш олиб борилмоқда. Лойиҳалаштирилган 12 километрлик биринчи линиянинг 7,5 километрлик ер ости тоннели қазиб ўтилди ва икки километрга яқин масофа очиқ усулда қазилди. Шундай қилиб, ҳозир қилинганидан кўра анча камроқ ҳажмдаги ишларни қилиш қолди холос. Ёрдамчи пудратчи — СССР Қурилиш министрлигига қарашли 7-«Мостострой» трестининг 13-отряди метронинг Оқтепа канали орқали ўтадиган кўприк иншоотларини вақтида қуриб бермоқда.

Тошкент метросозлари Октябрнинг олтмиш йиллик байрамига қадар бутун трассадан биринчи ер ости экспрессининг қатновини таъминлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Ишнинг ҳозирги суръати белгиланган режа вақтида бажарилади деб айтиш имкониятини беради.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

Гидроқурилиш лойиҳаларини республика илмий тадқиқот институти коллективининг ёш архитекторлар группаси асримизнинг йирик қурилиши — Байкал-Амур магистрали бунёдкорлари учун 7 минг кишига мўлжалланган 3 та аҳоли яшайдиган посёлка лойиҳасини тайёрлаб бердилар. Суратда: (чапдан) институт архитекторларидан А. Калисламов ва В. Бухвостов ўртоқлар «Сюльбан» посёлкаси макети ёнида.

И. Глауберзон фотоси.

ДЕНГИЗЛАРДАН ДАРАҚЛАР

КЕМАЛАРДА ЭСДАЛИК БАЙРОҚ

ОДЕССА. Ленин орденли Қора денгиз пароходчилигига қарашли «Ўзбекистон» пассажир кемаси туристларга хизмат қилишнинг янги мавсумини бошлади. Кема бортига биринчи бўлиб Германия Федератив Республикасининг саёҳатчилари жўнатилишди. «Ўзбекистон» кемаси дастлаб Варна — Одесса — Ялта — Сочи — Сухуми—Батуми — Стамбул шаҳарлари бўйлаб сафар қилди.

«Ўзбекистон» кемасининг «оқ олтин» деб юритилувчи «Қизил бурчаги» йўловчилар эътиборини тортмоқда. Ҳозир бу ерда тошкентлик рассомларнинг асарларидан намуналар намойиш этилмоқда. «Оқ олтин» бурчаги «Ўзбекистон» кемаси коллективига республикамиз меҳнаткашлари кўрсатаётган оталиқ ёрдами туфайли ташкил топган. Кема кутубхонаси Ўзбекистон меҳнаткашлари, шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи турли альбом ва рисолалар, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарлари ўрин олган.

Шунингдек, бу ерда Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати ишчиларининг совғаси ҳам бор. Кема радиокарнайлари орқали миллий қўшиқлар, республика композиторларининг асарлари қўйиб турилади. Кемада «Ўзбекистон қунлари» ўтказиш анъанага айланган.

Кеманинг кўзга кўринарли ерига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг эсдалик Қизил байроғи қўйилган. Кема коллективи бу юксак мукофотга тўққизинчи беш йилликда қўлга киритган меҳнат ютуқлари ва республикамиз меҳнаткашлари муваффақиятларини моҳирона пропаганда қилганликлари учун сазовор бўлишди.

Пассажир кемаси коллективи бу йил нўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётганлигини алоҳида қайд қилиш керак. Яқинда кема экипажи беш йиллик план-топшириқларини ишлаб чиқариш-мо.ия кўрсаткичлари бўйича муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Планга қўшимча 4,5 минг пассажир, 484 тонна юк ташиб берилди. Социалистик мусобақа якунларига кўра теплоходнинг ишлаб чиқариш илғорларидан бир группаси «Тўққизинчи беш йиллик ғолиби» фахрий вимпелини олишга сазовор бўлди. Кема капитани Владимир Ревага эса, «СССР денгиз флотининг энг яхши капитани» унвони берилди.

ТАЛЛИН. Яқинда бир группа фарғоналиклар денгизчилар меҳмони бўлишди. Улар Эстония денгиз пароходчилигига қарашли «Фарғона» теплоходи коллективига Ўзбекистонлик меҳнаткашлар саломини топширдилар. Фарғоналиклар чет эл сафаридан қайтган теплоход коллективига юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, республикамиз меҳнаткашлари қўлга киритаётган муваффақиятларни кенг пропагандаси учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг эсдалик Қизил байроғини топширдилар. Ўз навбатида Эстония денгиз пароходчилиги, денгиз ва дарё флоти ходимлари касаба союзи республика комитетининг Фахрий ёрлиғи ўзбекистонлик меҳмонларга тақдим этилди.

А. ДИНОРОВ.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Мамлакат олий лига командалари йигирманчи тур ўйинларини ўтказдилар. Чемпионатнинг учдан икки қисми тугади. Мавсум охирлаган сари мусобақалар кескинлашиб, очко тўплаш оғирлашиб бормоқда. Жумладан, мазкур турдаги беш учрашувнинг учтаси дуранг натижа билан якунланганлиги ҳам шуни кўрсатиб турибди. Икки ўйин эса мезбонлар ғалабаси билан тугади. Львовда маҳаллий «Карпат» футболчилари «Черноморец» командасини 3:1 ҳисобида енгдилар. «Динамо» (Москва) — «Локомотив» (Москва) ҳамда «Спартак» (Москва) — «Зенит» (Ленинград) командалари учрашувида бир хил ҳисоб (2:2) қайд этилди. Турнир жадвалининг охирги погонасини эгаллаб турган Ростов армиячилари эса Тбилисида маҳаллий динамочилар билан дуранг (1:1) қилдилар. Энди турнир жадвали билан танишинг.

	Ў	Т	О
«Динамо» (К)	18	36-15	28
«Торпедо»	20	30-24	22
«Карпати»	20	27-22	22
«Динамо» (М)	20	23-19	22
«Днепр»	19	25-22	21
«Динамо» (Тб)	20	22-20	21
«Заря»	19	22-23	20
«Арарат»	20	24-27	20
«Шахтёр»	17	26-18	19
ЦСКА	19	22-20	19
«Черноморец»	20	20-24	19
«Спартак»	19	17-18	18
«Пахтакор»	20	22-29	18
«Локомотив»	20	16-20	17
«Зенит»	19	17-30	14
СКА (Ростов)	20	14-32	10

Жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакат кубогини қўлга киритган «Арарат» (Ереван) командасини ўз майдонида қабул қилган пахтакорчилар 1:0 ҳисобида ғалаба қилиб, бир погона юқори кўтарилишди. Бу шундай рўй берди.

...Учрашувнинг биринчи тайми охирлаб қолган пайт. Матч судьяси ленинградлик А. Иванов дам-бадам соатига қараб қўяди. Майдон эгалари навбатдаги ҳужумга ўтишди. Тўлаган Исоқовнинг дарвоза сари йўналтирган тўпини меҳмонлар четга чиқариб юборишди. Бурчакдан тўп тепилади. В. Хадзипанагис аниқ оширган тўпни Е. Жуков тўғри мўлжалга йўллади. Аҳвол танглигидан меҳмонлар ҳимоячиси Н. Месропян тўпни қўл билан уриб юборишдан бошқа чора тополмади. 11 метрли жарима тўпини эса одатдагидек М. Ан урди. Зарб билан тепилган тўп дарвоза тўрига бориб тушди. Ҳисоб — 1:0.

Ўйин охиригача ҳисоб ўзгармади. Ҳолбуки, ғалабани мустаҳкамлаш учун имкониятлар кўп бўлди. Аммо, ҳужумчиларимиз, хусусан Хадзипанагис ҳаракатларида мавсум бошларидагидек ўзаро ҳамкорлик, уюшқоқлик кўринмади. Тўп киритишга якка-якка уриниш эса команданинг ҳужумкорлигига путур етказяпти. Хар иккала команда тренерлари, учрашув судьялари ҳамда Тошкентда меҳмон бўлиб турган СССР спорт комитети футбол бошқармасининг бошлиғи А. Еремин иштирокидаги матбуот конференциясида ҳам шу нарса таъкидланди.

Пахтакорчиларнинг янги устози, СССРда хизмат кўрсатган тренер Гавриил Качалин:

— Натижадан мамнунман, лекин ўйиндан қониқмадим. Ғалабада учрашувнинг биринчи ярмида меҳмонлар руҳсиз мусобақалашганлигининг ҳам ҳиссаси бор. Футболчилардан Е. Жуков бошқаларга нисбатан яхши ўйнади, деб айтиш мумкин. У ўз вазифасини аъло даражада бажарди — тадбиркор ҳужумчи А. Андреасянга ўйин бермади. Амалда команда билан батамом танишиб улгурганимча йўқ. Қилинадиган ишлар кўп, хусусан химоя звеносида. Дастлабки вазифа ана шу жабҳада ишларни ўнглаб олишдан иборат. Келгуси режалар ҳақида бир нарса дейишнинг фурсати эмас.

Яна ўн турдан сўнг чемпионат ўйинлари ниҳоясига етади. Демак, том маънодаги футбол кузи яқинлашмоқда. «Пахтакор» командаси ўн ўйиндан бештасини Тошкентга ўтказади. Футболчиларимиз сафардаги мусобақаларда ҳам, ўз майдонларида ҳам қатъиятлик, уюшқоқлик ва ҳужумкорлик кўрсатиб, ғанимат фурсатлардан самарали фойдаланадилар, деб умид қиламиз. Ўйлаймизки, «Пахтакор» командаси киритилган ва қўйиб юборилган тўплар нисбатини яхшилаб, очколар жамғармасини бойитиб, турнир жадвалида юқорироқ ўринларни мўлжаллайверадилар. Бунинг учун шароит ва имкониятлар бор. Ҳаракат бўлса бас.

Р. ҚОСИМОВ,
Ҳ. НОСИРОВ.

Елкан кўтарилдими, сайр зўр бўлади...

А. Губенко фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра доцентлари — илмий коммунизм, олий математика, фалсафа (рус тилида), пахтани йигириш, ноорганик химия;
кафедра катта ўқитувчилари — тўқувчилик, машина деталлари, ноорганик химия, фалсафа (рус тилида), машиналар ва механизмлар назарияси, олий математика;
кафедра ассистентлари — тўқувчилик, машина деталлари (2), тўқимачилик ва енгил саноат корхонасини ташкил қилиш ва планлаштириш (2), физика, шойи технологияси, тўқимачилик машинасозлиги, чет тили (немис тили).

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ
катта ўқитувчи — чизма геометрия ва инженерлик графикаси.

Конкурс муддати — 1 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1975 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Грузия ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги учун кадрлар тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ва Жанубий темир йўллар учун кадрлар тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда халқ хўжалиги (темир йўл транспорти) экономикаси, бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш;
Хабаровск темир йўл транспорти инженерлари институти учун кадрлар тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда молиячилик, пул муомаласи ва кредит;
ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда машинасозлик ва машина деталлари.

Ҳужжатлар — 20 октябргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари ноябрь ойида ўтказилади.

Аризалар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Л-45, Оборонная кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети
85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1975—1976 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўқувчи, йигирувчи. Ўқиш муддати — бир йил.
8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ЕШДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган тўлиқ иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини муваффақиятли тугатганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (286-форма) медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см катталикдаги 4 та фотосурат, мактабдан характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, А. Ҳаҳҳор кўчаси, 34-уй (9, 11, 14, 24-трамвайлар; 3, 6, 18, 50, 54-автобуслар, 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилар саройи» бекати). Телефонлар: 53-39-01, 55-15-57.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Таштенстильмаш» заводи қошидаги

87-шаҳар ҳунар-техника билим юрти

1975—1976 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди. ТОКАРЛАР, ФРЕЗЕРЧИЛАР, ИИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЛАР, ТУНУКАСОЗ СЛЕСАРЛАР, ФОРМОВКАЧИЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТЁРЛАР, ГАЗ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАРИ, АВТОМАТИК ВА ЯРИМ АВТОМАТИК СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРЛАРИ, ДУРАДГОРЛАР.

Ўқиш муддати - 1-2 йил.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, формали кийим-кечак, 33 процент иш ҳақи билан таъминланадилар. Формовкачилик группасининг ўқувчиларига ойига 40 сўм миқдорида стипендия тўланади. Шаҳар атрофидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЗАВОД ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАБ ВА ТЕХНИКУМ ИШЛАЙДИ. АЪЛОЧИЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ИЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, яшаш жойи ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, мактабдан олинган характеристика, 3х4 см катталикдаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 8 дан 16 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Текстильная кўчаси (7, 9, 11, 14, 21, 24 трамвай, 2, 6, 18, 13, 15, 16 троллейбус, 2, 3, 18, 45, 50, 54, 58 автобусларнинг «Соцгородок» бекати).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Қувноқ стартлар». 19.00 — «Генерал Раҳимов (ҳужжатли телефильм). 19.15 — «АХБОРОТ». 19.30 — «Прогресс» программаси. 20.00 — Халқ контроли экрани. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — «АХБОРОТ». 21.00 — Телевизион театр. **Мирмуҳсин «Умид»** (2-қисм). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — **«Йўлбарс»** (бадиий фильм). 17.55 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — «Бургутча» (болалар учун фильм). 20.30 — Фильм-концерт. 21.20 — Реклама. 21.35 — Тошкент янгиликлари. 21.50 — **«Райком секретари»** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АҚАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/VIII да **Кўк эшик ортидаги аёл**, 21/VIII да **Кўрмайин босдим тиканни.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳамқишлоқлар — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).
Муҳаббат садоси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруғ).

ЕЗГИ БИНОДА

Ҳамқишлоқлар — «ФЕСТИВАЛЬ».
Сотқинлик кунлари — «ХИВА».

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 16-мактаб коллективи, собиқ ўқитувчи, пенсионер

Абдуллахўжа МАННОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 03550. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б—194.